Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 109 (13.065).
12 МАЙ 1965 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

НАМАНГАН районидаги «Узбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳабибулла Юсупов бошлиқ бригадаси пахтанорлари бу йил 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашяптилар. Улар юксак агротехника қоидалари асосида экилган чигитни бир текис ундириб олдилар ва ғўза парваришини қизғин бошлаб юбордилар. Суратда: бригадада ғўза парвариши пайти.
М. Иброҳимов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ СЪЕЗДИ

Ёзувчилар съезди бизда ҳамиша катта ижтимоий воқеа тусини олади. Буюк совет адабиётининг ҳамма жанговар отрядлари сингари Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди ҳам бутун республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, халқимизнинг маънавий-бадиий камолотида доим муҳим ўрин эгаллайди, чуқур из қолдиради. Адабиёт иши умумпартия ва умумхалқ ишига, ғоят зарур жамоат ишига айланган бизнинг жамиятимизда бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Халқимиз ёзувчининг мўътабар номини, унинг олижаноб ижодини жуда юксак қадрлайди, кишиларимиз уни вафодор дўстим, доно маслаҳатгўйим деб билади.

Улкан ва яхлит умумсовет адабиётининг ҳамма ёрқин фазилатлари мужассам бўлган адабиётимиз шунчалар теран меҳр-муҳаббатини қозонган, шунчалар олий таҳсинига сазовор бўлган экан, бунинг боиси бор, албатта. Чунки, совет адабиёти барҳаёт негизга эгадир. Ўзбек адабиёти катта совет адабиёти каби бутунича халқимизга, коммунизмга сидқидил хизмат қилмоқда. Биз, минглаб, миллионлаб китобхонлар, бутун ўзбек совет адабиёти босиб ўтган йўл билан, аввало, шунинг учун ҳам фахрланишга ҳақлимизки, у кураш ва зафарлар тўла замонамизнинг ҳамма синовларида чиниқиб, камолга етди, ҳамиша қайноқ даврмиз талаблари билан улғайди, шу юксак талаблар билан яшамоқда.

Ўзбекистон ёзувчиларининг бугун очилаётган V съездида сўнгги етти йил ичида ўзбек адабиёти босиб ўтган йўлга якун ясалар экан, кенг куламда коммунизм қурилаётган давримиз сўз санъаткорлари ижодида қандай акс эттирилаётгани доклад ва маърузаларнинг асосий мавзуи бўлади. Коммунизм қуриш авж олдирилган давр — бизнинг давримиз. Бинобарин, асосий мавзу — адабиётда замонавийликдир. Бу мавзу ўзбек адабиётининг ҳозирги бой мундарижасига ҳам жуда муносиб тушади. Дарвоқе, сўнгги йиллар мобайнида узоқ адабиётида яратилган асарларни мунтазам ўқиб борган китобхон, адабиётимиз ҳеч маҳал бунчалик кўп замонавий бўлмаган, яъни қай ҳаётига бунчалик кўп яқин бўлмаган эди, деб фахрланса арзийди. Қатор роман ва пьесалар, повесть ва достонлар, ҳикоя ва шеърий тўпламлар коммунизм қураётган совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнатини куйламоқда, уларнинг давримиз яратган янги фазилатларини, беғубор маънавий дунёсини, ишқ-муҳаббати, орзу-тилаги, бахт-саодатини тараннум этмоқда. Коммунизм қурувчилар рўёбга чиқараётган режаларнинг улуғворлиги ва гўзаллиги, кишиларимизнинг коммунистик идеаллар ғалабаси учун фидокорона кураши, ҳозирги замон ўзбек адабиёти энг етук асарларининг мавзуидир.

Адабиёт мухлислари сўнгги йиллар ўзбек адабиёти учун жуда сермаҳсул бўлганидан бениҳоя қувонмоқда. Утган 1964 йилни адабиётимизда романлар йили деб аташ расм бўлиб қолди. Босилиб чиққан йигирмага яқин катта эпик асарлар асосан романлардир! Қуёшли Узбекистонимизда сўз санъаткорлари сафи ниҳоятда кейгайганини, уларнинг ғоявий такомили ва бадиий маҳорати беқиёс ўсганлигини шундан ҳам нўрса бўладики, бундан ниҳоятн ўнбеш-йигирма йилгина муқаддам икки-уч йилда бир роман пайдо бўлган бўлса, ҳозир йилига бир неча, ҳатто бир қанча романлар дунёдга келмоқда.

Албатта, бу ўринда гап зиҳор нуқул миқдор устида эмас, балки сифат устида, асосан сифат устида бормоғи керак. Яна ҳам аниқроғи, нуқул сифат устида бормоғи керак! Адабиёт асарларига шу энг ҳақли талаб билан ёндошганимизда ўзбек совет адабиётининг тўнғич авлодига мансуб бўлган атоқли сўз санъаткорларининг зўр маҳорат ва ғайрат билан қилаётган ижодий меҳнатига қойил бўласан, киши. Бадиий камолот чўққиларига нўтарила олган, асарлари билан санъатимиз хазинасини бойитган, халқимиз ва адабиётимизнинг фахри бўлиб қолган бу улкан санъаткорларнинг ҳамон навқирон ғайрат-шижоат билан ижод қилишлари, маҳоратларини тинмай такомиллаштиришлари — ёзувчининг ўз бурч-вазифасини нақадар чуқур англашининг ёрқин намунасидир. Бу адиблар асарларини халқимизнинг ўлмас маънавий мулкига айлантирган, уларга боқий умр бахш этган фазилатлар — уларнинг чуқур халқчиллиги, ғоявий аниқлиги, шаклан етук ва тиниқлигидир. Улар қайси бир темани қаламга олмасиннар, воқеа ва ҳодисаларга партиявий нуқтаи назардан, халқ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошадилар, ҳар бир сўз ва ибораниг ўз ўрнида ишлатилишига, маълум мақсадга хизмат этишига эришадилар. Сўнгги йилларда яратилган бир қанча китоблар, жумладан, кейинги вақтда Ойбек, Ғафур Ғулом ва бошқа етакчи адибларимиз ижодхонасидан берилган асарлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳаётимизнинг ранг-баранг мавзулари, коммунистик қурилиш пафоси, халқларимизнинг қардошлиги, дўстлиги, интернационализм, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, бурч, вафодорлик, садоқат темалари бадиий таҳлил этилиб езилган, китобхонлар қалбидан чуқур жой олган асарлар авторлари орасида бир қатор ўрта ва ёш авлод қалам аҳллари ҳам борлиги айниқса қувончлидир. Улар турмушга актив муносабатда бўлиб, уни социалистик реализм санъати позицияларидан фалсафий идрок этиб, ўз асарларида катта-катта ҳаётий масалаларни кўтариб чиқмоқдалар, бадиий ижод хазинасининг ранг-баранг, жуда бой, ғоят таъсирчан воситаларидан самарали фойдаланиб, ўзларининг ижодкорлик имкониятларини ёрқин намоён қилмоқдалар. Ўзбек совет адабиётининг олдинги авлоди бошлаб берган катта йўлдан — партиявийлик, халқчиллик, юксак бадиийлик йўлидан илдам олга бораётган бу адиблар ўз устларида янада қунт билан ишлашлари, улкан замонамиз талабларига жавоб берадиган, адабиётимиз олтин фондини бойитадиган тож асарлар яратмоқлари лозим.

Ёзувчилар съезди ўзбек адабиётининг коммунизм учун курашдаги роли ва вазифаларини муҳокама этар экан, республикамизнинг кўп сонли қалам аҳли ҳали кўп ишлар қилиши кераклигига алоҳида эътибор бермоғи керак. Сўнгги йилларда яратилган сўз санъати асарларини чуқурроқ таҳлил қилганимизда, уларнинг фазилатларига атрофлича ёндошганимизда, бу асарларнинг бир қанчаси қайноқ даврмиз ва юксак дидли китобхонимизнинг юксак талабларини қондира олмаётгани маълум бўлиб қолади. Тўғри, бу асарлар ғоявий йўналиши, автор нияти, умуман мундарижаси, актуаллиги жиҳатидан муҳим, янги инсонни тарбиялашга хизмат қилади. Лекин гап санъатнорнинг бадиий маҳорати ҳақида, унинг такомили устида буладиган зўр қунт ва меҳнат тўғрисида, асарни чинакам санъат намунаси қиладиган фазилатлар ҳақида боради. Ғоя, тема, ният қанча олижаноб, пок, улуғвор ва порлоқ бўлса, унинг бадиий ифодаси ҳам шунча ёрқин, тиниқ, гўзал ва мукаммал бўлмоғи керак. Бунга эришилмас экан, энг юксак ният, энг олижаноб ғоя ва теманинг ҳам қадри тушиши, ҳатто сохта ва янглиш мазмун касб этиши мумкин.

Съезд ўзбек адабиётининг фахри бўлмиш поэзиямизнинг ҳозирги аҳволига тўхталиб ўтиши керак. Бу ғоят оммабоп жанрда, жумладан, достончиликда санъаткорларимиз яна анча иш қилиб берсалар бўлади. Драматургиямиз қўлга киритаётган ютуқларни, драматурглар билан театр коллективларининг ижодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ҳам мазмун, ҳам форма соҳасида янгиликка интилишни қувватлаш, айрим саҳна асарларини схематизм ва бачаналиқлардан қутқариш йўллари ҳам съезд эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Адабий танқидчилигимизнинг бадиий ижодиётдан орқада қолаётгани жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Кўпгина танқиди танқидчиларимиз ўзбек адабиетида сўнгги йилларда яратилган асарларни тузук ўрганмаётирлар. Акс ҳолда, бир қатор йирик асарларда кўтарилган янги ҳаётий проблемалар тўғрисида уларнинг лом-мим демаётганини бошқа нима билан изоҳлаш мумкин! Умуман адабиётимизда, айниқса катта прозамизда тўпланган тажрибаларни назарий жиҳатдан умумлаштирадиган, унинг ўсиш процесси ва даражасини партиявий позицияда туриб, илмий-бадиий жиҳатдан таҳлил қилиб берадиган пайт келди.

Республикамиз ёзувчилари съезди барча совет кишилари қатори Узбекистон меҳнаткашлари ҳам халқимиз ва партиямиз ҳаётидаги энг улуғ анёмларга қозирлик бошлаб юборган пайтда очилди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлашга бутун мамлакат тайёргарлик кўрмоқда. Ўша тарихий кунларга атаб халқимиз ҳаёти, кураши, фикр-орзуларини ёрқин ифодалайдиган коммунистик партиявий, гўзал ва халқчил роман ва қиссалар, достон ва қўшиқлар, пьеса ва сценарийлар, ҳикоя ва очерклар яратиш — сўз санъаткорларининг муқаддас бурчидир.

КПСС МК март Пленуми қарорларини амалга оширамиз

ЮЗ МИНГ КЎЧАТ УЧУН

Абдулла ОРТИҚОВ,
Калинин районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси, Соцналистик Меҳнат Қаҳрамони.

◆ ◆

Колхозимизда чигитни 10 апрелда. Ўтган йилдагидан қариб икки ҳафта илгари экиб бўлдик. 1240 гектар ерга уруғ ташланди. Агрегатлар картадан чиқиб кетиши биланоқ ер бурчакларига, йўл атрофларига, ўқариқ бўйларига чигит тикилиб, гектарлар вақтида тўлдириб борилди. Карталар бирма-бир кўздан кечирилиб, сийрак чиққан жойларнинг оласига чигит экилди. Бунда ҳўлланган ва янтарь кислотаси билан дориланган уруғдан фойдаланилди. Шу тариқа тўқайдаги 540 гектар майдонда кўчатларнинг текис бўлишига эришилди.

Лекин қирлардаги 700 гектар ерда чигитнинг униб чиқиши кечикди. Айниқса Султон Абдуллаев, Зебой Ризаев, Қозоқбой Ризаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда уруғнинг ердан бош қўтармаслиги бир ҳафтадаёқ маълум бўлиб қолди. Чунки тупроқ қуриб қолган эди. Шу сабабли чигит ниш урса ҳам, тупроқда нам бўлмаганидан уни ёриб чиқа олмабди. Тажрибакорлар билан маслаҳатлашиб, бу далаларга чигит сувн беришни маъкул кўрдик.

Шу мақсадда ернинг баландпастлигига, тупроқнинг сув сингдириш қобилиятига қараб 80-120 метр узунликда ўқариқлар олинди. Сув эгат оралатиб таралди. Сувчиларга кунда қанча гектар майдонга сув қўйганликларига қараб эмас, балки чигитнинг қанчалик тез ва қийос униб чиқишини таъминлаганликларига қараб ҳақ тўланди. Рағбатлантиришнинг бу усули сувчиларимиздан Абдилфат Жўрабоев, Имом Исмоилов, Рўзиохун Ботиров, Назир Муҳаммадюнусов ва бошқаларни ўз вазифаларига ҳалол муносабатда бўлишга отлантирди. Суғориш юксак агротехника даражасида ўтказилганлиги туфайли чигит 2-3 кун ичидаёқ текис униб чиқди. Қирларда ҳам яшил квадратлар ҳосил бўлди.

Баъзи колхоз ва совхозларда чигит экиб бўлингандан кейин дала ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Ёки ҳамма майдонларда чигитнинг текис кўкаришини кутиб, униб чиққан жойларда ғўза қатор оралари пешма-неш юмшатилмайди. Натижада тупроқ қотиб қолиб, ёш ғўзанинг илдиз отиб ўсишига имкон бермайди, даларни бегона ўт босиб кетади. Булар ниҳолларнинг нимжон бўлиб ўсишига, кўчатларнинг камайиб кетишига олиб келади, пахтанинг кеч етилишига ва паст ҳосил олинишига сабаб бўлади.

Ғўза меҳр билан парваришқилишни севадиган ўсимлик. Деҳқон буни яхши билади. Шунинг учун ҳам тажрибали пахтакор чигит ердан бош кўтариши биланоқ экин қатор оралариии ишлашга киришади. Ҳар йилдагидек бу йил ҳам биз чигит кўкарган карталарга чопиқ тракторларини бирин-кетин киритдик. Культиваторлар дастлаб карталарнинг қўндалангига қаратиб юргизилди. Ғўза тупларига яқин жойлар 6-8 сантиметр, карталарнинг ўртаси эса 10-12 сантиметр чуқурликда юмшатилди. Қатор оралариии ишлашда ротацион иш органларидан ҳам фойдаланилди.

Ўғит — ерга дармон, дейдилар. Агар тупроқда озуқа моддалари етарли бўлмаса, ғўза ердаги намдан, ҳаводан ва иссиқликдан баҳра ололмайди. Натижада экин яхши ўсмайди. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак. Механизаторларимиз ўсимликнинг озуқага бўлган талабини қондириш мақсадида культиваторларга ўғитлагичлар осиб ишлаяптилар. Бу аппаратлар ёрдамида культивация билан бир вақтда ғўза қатор оралариа минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси солиб кетилмоқда. Аралашма ғўза тупларига яқинроқ қилиб, 7-8 сантиметр чуқурликка солиняпти. Шу сабабли ғўзаларимиз тез ривожланаётир.

Бундан ташқари, культивация вақтида ҳашаротга қарши 10 процентли ДДТ доривори ҳам пуркаб кетиляпти. Бу суюқлик шишаларга солиниб, ҳар бир тракторга осиб қўйилган. Ҳозиргача 848 гектар ер бир марта, 266 гектар ер икки марта культивация қилиниб дориланди ва ғўза озиқлантирилди.

Кўпгина хўжаликларда ўсимликнинг икки-уч чинбарг чиқаришига кўз тикиб, ғўза қулай муддатларда ягана қилинмайди. Менингча бу нотўғри. Чунки яганалаш вақтида юлиб ташланадиган ортиқча ўсимлик уяларда қолдириладиган соғлом ниҳолларнинг озуқасига шерик бўлади. Оқибатда соғлом кўчатлар ҳам нормал ўса олмайди. Шунга кўра яганалашни кечиктириш ярамайди. Ғўзанинг икки-уч чинбарг чиқаришини кутмасдан, ўсимлик кўзга ташланган пайтдаёқ ягана қилавериш керак. Бизда шундай қилиняпти. Шу кунгача 900 гектардан ортиқроқ майдондаги ғўза яганаланди. Яганалашни бугун-эрта тамомлаймиз.

Хўжалигимизда оддий усулда қаторлаб экилган 960 гектар ердаги ғўза қўндалангига кесилиб, 50Х60 сантиметр схемаси асосида жойлаштирилди ва ҳамма майдонда ана шу схема бўлишига эришилди. Ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 32,2-33,4 минг уя бор. Яганалаш вақтида ҳар уяда уч туплан ғўза қолдириб кетиляпти. Бу — гектарида 95-100 минг туп кўчат бор демакдир.

Бу йил сув танқис бўляпти. Лекин экиннинг бу билан иши йўқ. Ғўза қондириб суғорилса, яхши парвариш қилинса, мўл ҳосил беради. Биз ўсимликнинг сувга бўлган талабини қондириш ниятида барча суғориш майдаларидан фойдаланмоқдамиз. Тўқай зонасида ҳозирча икки жойга насос ўрнатдик. Бу насослар ёрдамида пастдаги каналлардан сув олиниб экинлар суғориляпти. Насосларни янада кўпайтирамиз. 87 сувчи ғўзага сув тараяпти.

Маълумки, республикамизнинг кўпгина районлари учун бу йил об-ҳаво қуруқ келди. Март ойи охирлари ва апрелнинг бошларида ёғингарчилик бўлмади. Бунинг устига ҳаво бирдан иссиб кетди. Оқибат натижада тупроқда нам қолмади. Катта-катта майдонларда чигит қуруқ тупроққа ташланди. Аммо бундан сира ваҳимага тушиш керак эмас. Чигит ҳозирга қадар униб чиқмаган бўлса, унинг бундан кейин кўкаришига умид боғлаб бўлмайди. Далаларга дарҳол сув тараб, чигитнинг тез ва текис унib чиқишини таъминлаш керак. Бу ишга энг яхши сувчиларни қўйиш, улар ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиш, мавжуд сувдан кеча-кундуз унумли фойдаланиш лозим. Шу билан бирга чигит сийрак чиққан жойларнинг оласига чигит экиш, тракторлардан қолиб кетган ерларга уруғ ташлаб, гектарларни тўлдириш зарур.

Ҳозир далаларда манзара ҳар хил. Бир картада ғўзани қўндалангига қирқиш ва яганалаш тамомланган, яшил квадратлар ҳосил қилинган бўлса, унинг ён-веридаги участкада ҳали чигит униб чиқмаган. Шунга қарамай суғорилмаётир. Бу ҳамма жойда ҳам ишнинг бир хилда эмаслигини кўрсатади. Ишни пайсалга солган, чигитнинг тезроқ униб чиқишини таъминламаган, ёш ниҳолларнинг қаддини шу кечакундузда ростлаб олмаган деҳқон панд ейди. Қўлдан бой берилган ҳозирги бир кунинг ўрнини кейиничалик бир ҳафтада ҳам қоплаб бўлмайди. Чуноончи, чигит чириб қолганидан кейин ер-ҳар қанча суғорилса ҳам уруғ кўкармайди, қалин жойлардан сийрак чиққан жойларга кўчириб ўтқазилган кўчат тутмайди. Билганлар билмаганларга қунт билан ўргатсин, билмаганлар билганлардан яхши ўрганиб олсин. Пахтачилик олимларининг, мутахассисларининг маслаҳатларини яхши ўгит деб тушуниш ва унга тўла амал қилиш керак. Шундагина юз берган қийинчиликларни қисқа вақт ичида бартараф қилиш, ҳамма майдонларда олинган мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштириш мумкин.

ЮБИЛЕЙ МЕДАЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Совет халқининг немис фашист босқинчилар устидан қозонган ғалабасининг 20 йиллигига бағишланган юлдуз шаклидаги эстафета қатнашчилари қаҳрамон шаҳарлардан Москвага келган эдилар. СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. И. Микоян 11 майда Кремлда уларга «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги» юбилей медалларини топширди.

Мукофот олганлар орасида Ленинград, Волгоград, Киев, Севастополь ва Одессанинг вакиллари бор.

Мукофотланганлар эътибор ва ғамхўрликлари учун КПСС Марказий Комитетига ва СССР Олий Совети Президиумига қизғин ташаккур билдирдилар.

А. И. Микоян Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини мукофотлар билан саммий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик, шахсий турмушларида ва Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатларида муваффақият тилади.

Мукофотларни топшириш вақтида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, ВЦСПС раиси Б. В. Гришин, ВЦСПС секретари Н. Н. Романов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. И. Камшалов, СССР ДОСААФи Марказий Комитетининг раиси, армия генерали А. Л. Гетман, СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Марказий Советининг раиси Ю. Д. Машин ва бошқалар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 10 майдаги Фармонлари билан РСФСР-нинг ўлка, область ва автоном республикаларида, Украинада, Белоруссияда, Литва, Молдавия, Латвия ва Эстонияда иш олиб борган партизанлар ҳамда подполье қатнашчиларидан 8.140 қишини 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида немис-фашист босқинчиларга қарши курашда кўрсатган мардлиги ва жасурлиги учун СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

39 киши Ленин ордени билан, 67 киши Қизил Байроқ ордени билан, 483 киши I даражали Ватан Уруши ордени билан, 634 киши II даражали Ватан уруши ордени билан, 318 киши Қизил Юлдуз ордени билан, 73 киши III даражали Шуҳрат ордени билан, 2688 киши «Жасурлиги учун» медали билан ва 3.838 киши «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Мукофотланган халқ қасосқорларидан 1.637 киши РСФСР-даги ўлка, область ва автоном республикалар территориясида, 2.902 киши Украинада, 3.269 киши Белоруссияда, 162 киши Литвада, 73 киши Молдавияда, 91 киши Латвияда ва 6 киши Эстонияда немис-фашист босқинчиларга қарши кураш олиб борганлар.

Партизанларни ва подполье қатнашчиларини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонлар «СССР Олий Советининг ведомостлари» ва маҳаллий матбуотда босилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. З. ЗАБИРОВ, Д. А. ПЕНТИЙ, В. С. СЛАБОУСОВ ВА Н. И. ЯХИННИ «ЕНГИНДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎГРИСИДА

Енгин вақтида болалар ҳаётини сақлаб қолишда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун СССР Олий Совети Президиуми номидан қуйидагилар «Енгинда жасорат кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотлансин:

1. **Забиров** МуллануР Забирович — Бекобод шаҳри профессионал ўт ўчириш командаси қоровулининг бошлиғи.

2. **Пентий** Димитрий Алексеевич — Бекобод шаҳри профессионал ўт ўчириш командасининг бошлиғи.

3. **Слабоусов** Василий Семенович — Бекобод шаҳридаги район ўт ўчириш старший инспектори.

4. **Яхин** Ноил Исмоилович — Бекобод шаҳри профессионал ўт ўчириш командасининг ўт ўчирувчиси.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри. 1965 йил 10 май.

* * *

1965 йил 26 мартда Бекобод шаҳридаги 1-болалар боғчасида ёнғин чиқди. Болалар ёниб турган бино ичида қолган эдилар. Уларнинг ҳаёти хавф остида эди. Енгин бўлган жойга келган М. З. Забиров, Д. А. Пентий, В. С. Слабоусов ва Н. И. Яхин ёниб турган бино ичида болалар қолганлигини билгач, эшикларни бузиб, деразаларни синдириб, ёниб турган бинонинг ичига кирдилар ва ўз ҳаётлари хавф остида қолган бўлса ҳам болаларни топиб олдилар ва уларни ёниб турган бинодан олиб чиқиб, болаларнинг ҳаётини сақлаб қолдилар.

ЖАНГОВАР ШОН-ШУҲРАТ САҲИФАЛАРИ

Яшин тезлигида ва шиддатли куч билан парвоз қилишга чоғланиб турган ракета, унинг ёнидаги ойнали витринада эса қўлбола граната. Ҳар иккаласининг ёнма-ён туриши ҳам ғалати, ҳам қонуний бир ҳол.. Қурол-яроғнинг бу икки тури Туркистон Ҳарбий округи босиб ўтган йўлнинг боскичларини айтиб турганидай. Ишчи дружиналаридан вужудга келган ҳарбий округ ҳозир энг янги техника билан таъминланган, энг бой ҳарбий тажриба билан қуролланган қўшилмаларни ўз ичига олган.

9 майда Тошкент Офицерлар уйида очилган Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейидаги стендлар ана шу йўл ҳақида ҳикоя қилади.

Туркистонлик жангчилар гражданлар уруши йилномасига кўпгина порлоқ саҳифаларни ёздилар. Шу саҳифаларнинг ҳар бири Ленин номи билан очилади. Ленин партия Ўрта Осиё ва Қозоғистон халкларининг озодлик учун, Совет ҳокимияти учун олиб борган курашига раҳнамолик қилдилар. Мана стендлари рақамлардан бир нечтасини айтиб ўтайлик: Владимир Ильичнинг фармойиши билан Туркистонга жўнатилган экспедиция 20 минг милтиқ, 2 миллион ўқ, 10 минг граната олиб келган. Фронтга раҳбарлик қилиш, Совет Шарқи халқларига ёрдам бериш учун партия ўзининг энг яхши фарзандларини ванна қилиб юборган. Ҳужжатлар ва фотосуратлар революцион Туркистон қўшинларининг биринчи қўмондони М. В. Фрунзе, революциянинг оташин комиссарлари ва таниқли лашкар бошлари интервенциячиларни ва ички контрреволюцияни тор-мор келтириш соҳасидаги курашга, округ қўшинларини ўқитиш ва тарбиялашга қандай раҳбарлик қилганликларини, В. В. Куйбишев, С. С. Каменев, Г. К. Оржоникидзе, С. М. Будённий, И. Охунбобоевларнинг жўшқин фаолиятини яққол кўрсатиб турадн. С. М. Киров, М. И. Калининнинг номлари Ўрта Осиё республикалари тарихига абадий ёзилиб қолди.

Яна жанг ҳариталари олдида тўхтаймиз. Шу ҳариталардан бирида Иваново ишчиларининг вакили Д. А. Фурманов комиссар бўлган афсонавий Чапаев дивизиясининг йўли кўрсатиб қўйилган. Д. А. Фурмановнинг оташин пропагандистлик сўзи Туркистондаги кўпгина ҳарбий қисмларда ҳам жаранглаб эшитилган эди.

Туркистон Ҳарбий округининг жангчилари тинч қурилиш йилларини эҳтиёт бериб ўқиш билан ўтказдилар. Авиация тарихида биринчи марта десантлар туширш ва узоқ масофаларга учишни, баланд тог довонларидан ошиб ўтишни машқ қилиб кўрдилар. Округимиз жангчиларининг мана шу тажрибаси Улуғ Ватан урушининг жанг майдонларида иш берди.

Туркистончилар урушнинг ҳамма босқичларида ўрнак кўрсатдилар, ҳамма жангларда қатнашдилар. Генерал-майор И. В. Панфилов қўмондонлигида Қозоғистон ва Ўрта Осиёда тузилган дивизия Москва учун олиб борилган жангда шуҳрат қозонди. Таъсирчан бир панорама жонажон пойтахт бўсагаларида жондан кечиб жанг қилган панфиловчи 28 қаҳрамонининг жасоратини акс эттиради. Бошқа бир панорама Тошкент танкчилар билим юртининг курсанти В. Шаландин ўлмас жасорат кўрсатган жанг пайтини тасвирлайди. В. Шаландининг номи билим юрти рўйхатига абадий ёзилиб қўйилган.

Ўзбек халқининг фарзанди, шавкатли лашкарбоши, гвардиячи генерал-майор Собир Раҳимовнинг, саккиз фашист танкини йўқ қилиб ташлаган тожикистонлик тўпчи Ҳоди Кенжаевнинг, ўз танаси билан душман доти оғзини тўсиб қўйган қирғиз йигити Чўлпонбой Тўлабердиевнинг жангдаги жасорати Совет Иттифоқи Қаҳрамони олтин юлдузлари билан тақдирланди.

Тошкентдаги В. И. Ленин номли билим юрти билан танкчилар билим юрти фронтга ўн беш минга яқин офицер юборди, шулардан 75 киши Волга, Нева, Днепр бўйларида, Берлинни олишда ўрнак кўрсатиб. Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвонга сазовор бўлди. Ўзбекистон фронтга қурол-яроғ, ашё-анжом, озиқ-овқат ҳам юбориб турди.

Мамлакат туркистончи жангчилар қўлига энг янги техникани бериб қўйди, уларни уруш олиб боришнинг энг илғор назарияси билан қуроллантирди. Стендларга жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиларининг суратлари қўйилган. Туркистончи жангчиларнинг жанговар традицияларини давом эттираётган бу ёшлар Ватанимизнинг жанубий чегараларини зийраклик билан қўриқламоқдалар.

Беш республиканинг округи бўлган Туркистон округи бутун совет халқи билан ҳамнафас яшамоқда. Меҳнаткашларнинг жангчиларга тақдим этган совғалари — машиналарнинг моделлари халқнинг ўз армиясига бўлган муҳаббатини кўрсатиб туради. Яна бир экспонат — «Зарафшон операциясининг макети ҳам диққатга сазовордир. Бу макетда тинч кишлоқлар ва далаларга хавф солиб қўйган жуда катта таҳдид офат билан курашиш пайти тасвирланган. Жангчилар биринчи бўлиб сув йўлини тўсган эдилар.

... Музейнинг очилиш маросимига Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари, гражданлар урушининг ветераналари ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари келишди. В. И. Ленин майдонида ўтказилган ҳарбий параддан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ш. Р. Рашидов, И. И. Федюнинский ҳам шу ерга келишди.

Меҳмонлар кўргазма билан танишгач, хотиралар дафтарига биринчи сўзларни ёзиб, ёш авлодни тарбиялаш учун музей жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Е. ЕФИМОВ, Е. МАЙОРОВ,
УзТАГ мухбирлари.

Бугун — Тошкентда Ўзбекистон ёзувчилари съезди очилади

«БУ ОЗОД АДАБИЁТ БЎЛАЖАК. ЧУНКИ, У, МАМЛАКАТНИНГ ГУЛИ, КУЧ-ҚУДРАТИ ВА КЕЛАЖАГИ БЎЛГАН МИЛЛИОНЛАБ, ЎН МИЛЛИОНЛАБ МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ БЎЛАДИ».

В. И. ЛЕНИН.

ПЎЛАТҚАЛАМ ҚУЙЧИЛАР

Ғафур ҒУЛОМ.

Бугун Ўзбекистон ёзувчиларининг V съезди очилади. Бу съезд мамлакатимизда меҳнат шараф кўкламида, арзангулик ғалабаларимизнинг жарангси олам қулоғини куйларга тўлдириб турган баҳор айёмида ўтмоқда. Андижон этакларидан Амударёнинг ҳар икки қирғоқларигача бўлган катта далама-зида бу йилги мўл ҳосилнинг ям-яшил навниҳоллари барқ уриб ётибди. Миллионлаб олтин барраларнинг қимматбаҳо қорақўллари пардоздан чиқяпти. Сирдарёнинг каскад-каскад ГЭСларидан Оҳангарон, Ғолмалиқ, Навоий ТЭЦларидан миллион-миллион вольтли электр нурлари республикамизнинг энг узоқ қишлоқларигача сеҳркор томирлари билан етиб борди. Ильич чироқлари кечаларни 'кундузлай мунаввар қилмоқда. Ипак қуртлари заррин торлар қурмоқда. Эрта пишар помидор қизарди. Қулуфнайдардан ғўдакларнинг лаблари қизил. «Ташсельмаш» конвейеридан юз мингинчи терим машинаси пахтазорга ўрмалаяпти.

ТошДУ, СамДУларнинг неча ўн мингли олимлар армияси куни эрта — истиқболнинг пухта режасини ўрганмоқда, таҳрир қилмоқда. Федьченко музлигидан шовқинли ирмоқлар водийларга қуйилмоқда. Амударё синглиси Зарафшон билан туташди, Мирзачўл, Ёзёвон, Қарши чўлларидан биз очиб олган ерларнинг сатҳи ой сатҳидан кенгроқдир.

Шуларнинг барисини яратаётган бизнинг халқимиздир. Кўп миллатли биродаллар оиласи бўлган ўзбекистонлик халқларнинг қудратли заҳматидир.

Тошкентда эса Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди очилмоқда. Бу ерга йиғилган делегатлар юқорида зикр қилинган улуғ халқнинг қуйчилари, адибларидир. Булар Ватан шоирлари, халқ ижодкорлари меҳнат зафарининг баёнчилари, иш боши кўкламларининг, шижоат тўла йозларининг, баракали қузларининг, фароғатли қишларнинг илҳомчиларидир. Булар — замонамиз қаҳрамонларининг ёркин образларини порлоқ тарихимиз саҳифасида абадий қолдиришга, келажак авлодга коммунизмнинг моддий асосини қўраётган кимлар эканини яққол достон қилиб беришга ўз-ўзини сафарбар қилган улуғ зотлардир. Замона қаҳрамонлари демак бу ерга йиғилган делегатларнинг ё акалари, ё укалари, ё қариндошлари, қўшнилари, ёр-дўстлари, энг яқин кишиларидир. Улар ўз қаҳрамонларини яхши танийдилар ва уларнинг меҳнат маҳоратлари билан таниш кишилар. Худди шунингдек қаҳрамонлар ҳам ўз навбатида бу ёзувчиларни яхши танийдилар, уларнинг ижодларини ҳурмат қиладилар, китобларини муқаддас билиб ўқийдилар, чунки бу ижодий маҳсулотларнинг кўз булоғи шу ижодкор халқнинг ўзгинасидир. Ўз-ўзини танимак етук инсонлик фазилатидир.

Шунинг учун ҳам съездга йиғилган делегатларнинг юраги халқимиз ва тарих олдидаги масъулиятлар ҳисси билан изтиробда ва элимизнинг кўзи, қулоғи эса съездда. Ҳар бир айтиладиган сўз, ҳар бир ҳал қилинадиган масала ва ҳар бир маъқул баённи ҳарфма-ҳарф текшириб, диққат қилиб турибди.

Кеча 9 майда бутун Иттифоқимиз лаънати фашизм ғалалари устидан қозонилган ғалаба кунининг 20 йиллигини нишонлади. Қалбларимиз шу куни йигирма йил бурунги ҳаяжонлар ичида қайтадан тепиб турди. Ақл хазинасидан уруш йилларининг негативларини кўз ўнгимизда такроран жилвалантирдик. Шу дамларда бу Улуғ Ватанда жангчи бўлмаган ким бор эди, ахир!? Маршалдан тортиб олдий солдат Турсунбойгача, олдинги safдаги артиллериячидан тортиб, омонат касса қоровулигача, разведкачи Иван Николаевичдан тортиб, етим боқиб ўстирган Розия кампиргача, ҳаммамиз ўз постимизда солдат эдик. Ҳамма ёзувчилар, ҳамма шоирлар Улуғ Ватан урушн учун ўзларини сафарбар деб эълон қилган эдилар. Шу йилларнинг эпопеяларини ўқиган киши ўнинг муаллифларига ташаккур айтмай қололмайди. Кўп ёзувчиларимиз бир қўлда қалам, бир қўлда автомат билан жангда эдилар. Бир қисмлари шу қаттол жангда қурбон бўлдилар. Жаҳонда жондан азиз, ҳаётдан ширин нарса йўқ. Модомики, Ватан учун, халқ учун, ўз суйган партияси учун жонини фидо қилган экан, бу кишиларга ҳатто офтоб муҳрли ҳужжатнинг ҳам ҳожати йўқ.

Мен касбдош тенгқурларим ўртасида кексароғиман. Менинг ақл хазинамдаги жаҳоний негативлар кўпроқ бўлиши мумкин.

Не-не замонларни кўролдим ахир,
Кўзим қорачиғи ўзи бир жаҳон.
Манглайимдан ўтган ҳодисалар-ла,
Бошим тўнтарилган кичик осмон.

Кўз юмиб, муроқибага борсам, бир чеккадан ажойиб достоннинг боб-бобларидай замонлар ва ҳодисалар ўтаверади.

Империалист босқинчиларнинг малайлари бўлган босмачиларнинг халқимиз бошига келтирган мусибатлари, вайрон қишлоқлар, қўча-қўйларни тўлдириб юрган увин-тўда боқимсиз ғўдаклар, босмачиларнинг қизил қўшинимиз томонидан буткул янчиб ташланиши, тирик Фрунзелар, Куйбишевлар, Ҳамзаларнинг сиймолари, биринчи заборнийга берилган нон, НЭП замонасининг ялмоғизлари , чарви еган мушукдай кўзи ялтиллаб дўконларда ўтирган мағрур, аммо бефаҳму бесавод, бераҳм савдогарлар, биринчи совет мактаблари, интернатлар, биринчи савод ва чаласавод курслари. Ўрта Осиё республикаларини ташкил қилиш йиллари, пролетар доҳийси Ленининг вафотида Тошкент сквери, Михаил Иванович Калинин, Акмал Икром, Йўлдош ота Оҳунбобоевларнинг образлари, ер-сув ислоҳоти, паранжига қарши ҳужум, биринчи ташланган паранжининг гулханлари, жоҳил эрлар томонидан ўлдирилган минглаб навжувонлар (гапирсам ўчим ҳам, ҳасратим ҳам кўп), қулоқларни синф сифатида тугатиш, биринчи тачкил топган колхозлар, беш йиллик планлар, қайғали тикланиш даврлари... Кўз ўнгимдан ўтаверади, ўтаверади.

Албатта бу тарихий замонлар мен ва менинг сафдошларим бўлган ёзувчилар томонидан озми, кўпми қайд қилинган. Аммо қизиғи шу ердаки, биз у замонларда ёзувчигина эмас эдик, юраги темирчининг кўрасидай ўт пускириб турган комсомоллар эдик, активлар эдик. Сув ва заводай ҳамма ерда зарур эдик. Қишлоқда биринчи радио карнайи ўтказган монтёр ҳам ўзимиз, қочоқ босмачини тутган ҳам ўзимиз, хотин-қизлар клубида нотиқ ҳам ўзимиз, муаллим ҳам ўзимиз, мухбир ҳам ўзимиз, қулоқлардан калтак еган ҳам ва уларни отишга ҳукм қилган ҳам ўзимиз.

Кўпимиз мактаб кўрмаганмиз. Шу инқилобнинг ўзи, такомил қилиб бораётган кундалик социалистик ҳаётнинг ўзи, аслида Ленин идеяси ва партияси бизга ҳам муаллим, ҳам мураббий бўлган. Чунки оталаримиз шу инқилобнинг чанқоғи эдилар, биз уларнинг умид ва ҳисларининг ворислари эдик. Биз учун янги ҳаётдаги ҳамма нарса янги эди. Биринчи электр чироқ ҳам, биринчи қулоқ радио ҳам, минбарга чиқиб гапириш ҳам, газета ҳам, ботинка ҳам, соқол қиндириш ҳам, тиш чўтка ҳам, боршч ҳам, бизнинг замоннинг руслари ҳам янги эди. Улар бизни «товариш» дедилар, бу бизга жуда ёқди.

Мен бу гапларни нега шунчалик чўзиб айтаётганимнинг боисини қуйироқда биласиз.

Ўзбекистон ёзувчиларининг IV ва V съездлари ўртасидаги ютуқлари ғоят катта бўлди. Адабиётимизнинг бунчалик ғоявий такомили йўлида айниқса ҳамма ёзувчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлди. Бугун биз бу ерда хойнахой шу ютуқларимизни мақтаб ҳам анча гапирсак керак. Аммо нимани қўлга киритибмиз, ёр энди нақдинамиз. Ҳа деб мақтанавериш керак бўлмас. Бир замонлар-ку мэмлакатимиз учун Днепр ГЭСни қуриш катта воқеа эди. Биз ҳалигача шу қурилиш билан мақтаниб қолмадик-ку. Волгада Волгоград, Ленин ГЭСлари, Сибирда Братск ГЭСлари олдида Днепр ГЭС достон олдидаги ғазалдай бўлиб қолди.

Шу икки съезд ўртасида анчагина истеъдодли, илмли ёшлар ҳам етишиб чиқди. Буларнинг ижоди халқимизнинг меҳнатига далда беради, аллалаб ухлатади, енгил руҳ билан уйғотади. Аммо гинахонлигим шу ердаки, биз тенги ёзувчилар юқорида баён бўлганидек, революциянинг бош йилларида ҳеч қандай қийинчиликлардан тап тортмай революцияни қуйлай олдик. Бироқ ёшларимиз бутун моддий ва маънавий имкониятлар ўз ихтиёрларида бўлгани ҳолда камроқ ёзяптилар, тантиқлик қилмоқдалар. Баъзан-баъзан жўн, ялғоч, сентиментал «лирика»лар овоз чиқариб қўймоқда. Бу ёшларнинг тарбиясига ёмон таъсир қилмоқда. Ишонаман, шу тўғрида ҳам сўзлар бўлар.

Кўпинча Ёзувчилар союзида, Композиторлар союзида бўладиган ижодий мажлисларда ашулалар текстини танқид қиламиз. Танқид-ку яхши нарса. Аммо кўп шоирларимизнинг қўлидан келади. Текст ёзиб беришса бўлмайдими? Дуруст, пахта ўзбек халқининг ғурури, аммо ҳамма қўшиқда пахта деяверсак одамни зериктириб қўяди.

Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллиги ва Владимир Ильич Ленининг 100 ёшга киришлари яқинлашиб қолди. Жаҳон халқларининг бахтига Улуғ Октябрь келтирган куннинг маъмунини ифода қилиш ёзувчининг шарафли бурчидир.

Ким эдингту ким бўлолдинг,
Не бор азиз жоннигда,
Э дил, бергил сарҳисоб.

Буни куйламоқ ўз республикамизнинг тарихий ўсиш йўлини сарҳисоб қилмоқ бўлади.

В. И. Ленин, айниқса Шарқ халқлари учун, шу жумладан ўзбекистонликлар учун не даражада раҳнамо ва ғамхўр йўлбошчи эканини бутун ақлимиз камолоти билан, ижодимиз маҳорати билан, қаламимиз каромати билан куйлашимиз керак. Яъни В. И. Ленининг ўз таълимотларидан шууримизга қўчган маърифатни у кишига бағишланган асарларимизда акс эттиролсак, ота олдида фарзандлик бурчини бажарган бўламиз.

Сўнги вақтларда Америка империалистлари бошлиқ ваҳший капитализм яна ҳужумга бошлади. Жанубий ва Шимолий Вьетнамга қилинаётган ҳужум, Лаос ва Камбоджа устида олиб борилаётган иғво ва Латин Америкаси, айниқса Доминакана Республикаси устига қилинган босқин буни яққол кўрсатиб турибди. Жанубий-Шарқий Осиё хусусан хавф остидадир. Озодликка интилаётган Шарқ ва Латин Америкаси муттасил империалистлар таъқиб-ига учрамоқда. Шундай нозик кунларда майдачуйда «оилавий» келишмовчиликлар билан банд бўлмасдан, шу тўғрида узун гапирмасдан, совет ёзувчисига хос кўркам улуғворлик, фазоси кенг зеҳн, умумбашарий маслаҳатлар билан бормоқ съездимиз шиори бўлса, гўзал бўлади. Владимир Ильич бундан ярим аср бурун совет адабиёти ҳақида сўзлаб: «Бу озод адабиёт бўлажак. Чунки, у, мамлакатнинг гули, куч-қудрати ва келажаги бўлган миллионлаб, ўн миллионлаб меҳнаткашларнинг маънавий бойлиги бўлади», деган эдилар.

Шу таълимотни асос қилиб айтиш керакки, совет ёзувчисининг ижодидаги ҳар бир сатр ўз халқи манфаати, Ватан манфаати учунгина ёзилган сатр бўлади. Унда ҳеч кимни ҳеч нимага мажбур қилмайдиган ва сафарбар этувчилик роли бўлмаган, бир чўп гугуртча нурсиз ва ҳароратсиз, бир ялам гузча татимсиз ва лаззатсиз ижод бизга бегонадир.

«Қўй келади қўзи билан, бир-бирининг изи билан», деганларидай, ижодда ҳам, ташкилий-раҳбарлик ишларида ҳам ёшларимизнинг туганмас ғайрат, шижоат, қобилият, онг ва маърифатларига қўрқмай ишонавериш керак. Бунинг учун партиямизнинг узоқларни кўра оладиган сиёсати бизга раҳбарлик қила олади.

Ёзувчилар союзининг эндиги раҳбарлик органлари ҳамма ёзувчиларнинг баҳамжиҳат бирдамлиги асосида, адабиётимизнинг ижодий равнақини кўзда тутиб, халкимизга хизмат қилишни мақсад қилиб иш олиб борса дуруст бўлур эди.

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

Суратда: Ҳамза мукофоти лауреатлари (чапдан) Д. Б. Рябичев, Ш. Бурхонов, Ойбек ва М. Қаюмов ўртоқлар. И. Глауберзон фотоси.

Кеча Тошкентдаги Ҳамид Олимжон номли адабиётчилар уйи ёзувчилар, санъаткорлар, кинематография ходимлари, адабиёт ва санъат шинавандалари ҳамда Ўзбекистон ёзувчиларининг V съездида қатнашиш учун келган қардош республикаларнинг вакиллари билан гавжум бўлди. Улар бу ерга адабиёт ва санъат соҳасида республика мукофотини олган лауреатларни табриклаш учун йиғилган эдилар.

Маълумки, 1964 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида адабиёт ва санъат соҳасида ажришлган мукофотлаш ҳақидаги ўзбекистон комитети тузилган эди. Бу мукофотни атоқли ёзувчи, санъаткорларимиздан бир группаси олишга сазовор бўлишган эди.

Кеча талантли адиб ва санъаткорларга ана шу юксак мукофотни топшириш маросими бўлди.

Тантанали йиғилишни Ҳамза Ҳакимзода номидаги республика мукофоти комитетининг раиси Комил Яшин қисқача табрик нутқи билан очди. Комитетнинг масъул секретари, шоир Андрей Иванов комитет қабул қилган махсус қарорни ўқиб эшиттиради.

Атоқли адибимиз Ойбек ўзининг ғоявий-бадиий жиҳатдан ўткир бўлган, зўр маҳорат билан ёзилган «Болалик» повести учун, талантли саҳна устаси, СССР халқ артисти Шукур Бурхонов Ҳамза театри саҳнасида қўйилган драматург Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» спектаклида Улуғбек образини зўр маҳорат билан яратганлиги учун, ажойиб кинорежиссёр, уста киноҳужжатчи Малик Қаюмов яратган тўламетражли ҳужжатли фильми — «Баҳордан баҳоргача» учун ана шу юксак республика мукофотини олишга сазовор бўлдилар.

Тасвирий санъатнинг моҳир усталари, рассом ва ҳайкалтарошлар Д. Б. Рябичев, Н. М. Миловидов ва С. С. Ожеговлар Тошкентнинг Вокзал майдонига ўрнатилган 14 Туркистон комиссарларининг ҳайкалини яратган эдилар. Бу уста санъаткорлар ҳам Ҳамза мукофоти лауреати унвонига мушарраф бўлдилар.

Ҳамза мукофоти республика комитетининг раиси К. Яшин йиғилганларнинг қизғин қарсақлари остида лауреатлик белгиси ҳамда дипломини мукофотланганларга топширади. Бу юксак мукофот билан тақдирланганликлари учун Ойбек, М. Қаюмов ва Д. Рябичевлар ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов иштирок этдилар.

А. ЮСУПОВ.

ЕЗУВЧИЛАРГА ИСТАГИМИЗ

ЁЗСА АРЗИЙДИГАН МАВЗУЛАР

Касбим ўқитувчилик. Ёш авлодга билим бериш, уларни ватанпарварлик, дўстлик ва меҳнатга ҳавас руҳида тарбиялаш бизнинг вазифамиз.

Ана шу улкан ва масъулиятли вазифани бажариш учун эса етарли билим талаб этилади. Бундан ташқари ўқувчилар ҳар нарсага қизиқувчан, интилувчан бўлади. Ҳар соҳадан саволлар бериб, тушунмаган нарсаларини билиб олишга ҳаракат қиладилар.

Ўқувчиларнинг ана шу саволларига жавобни мен кўпинча бадиий адабиётлардан: роман, повесть, ҳикоялардан, очерклардан топишга, газета материалларидан мисоллар келтиришга катта эътибор бераман. Ёзувчиларимизнинг ёзган ҳар янги асарини қизиқиш билан кузатиб бораман. Ахир улар ҳар турли мавзуларга бағишланади-ку!

Бадиий асарларга қизиқишим, анчагина китобларни ўқиб чиқишимнинг туфайли севимли ёзувчиларимиз назар-эътиборидан четда қолаётган айрим мавзуларда асарлар ёзилмаётганлигидан афсусланаман. Шундай асарларни чанқоқлик билан кутаман. Лекин...

Мана бугун Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди очилади. Шу муносабат билан қаламкашларимизга ўша лекциямни очиқ айтишга журъат этдим.

Ўқувчиларимизни дўстлик, меҳнатга ҳавас, ватанпарварлигини ҳикоя қиладиган асарлар ёзилса ёш авлод тарбиясига ёрдам бўлмасмиди, уларга коммунистик онглилик руҳини янада чуқурроқ сингдирилган бўлмасмиди? Ёки бўлмаса ўқувчилар меҳнат бригадалари ҳақида асарлар ёзилса қандай яхши бўларди.

Мактаб директори, кутубхоначиси ёки пионер вожатийсининг қилаётган ишларичи?

Менимча, булар «охори тўкилмаган», «теша тегмаган» мавзулардир. Фақат бир нарса — ёзувчиларимизда ана шу мавзуларга чинакам ҳавас ва интилиш, бу масалалар билан кенгроқ, чуқурроқ шуғулланиш, ўрганиш етишмайди. Истардимки, ҳурматли ёзувчиларимиз мана шу мавзуларда турли жанрларда асарлар ёзиб, бизни хурсанд этсалар.

Исмоил РЎЗИЕВ,
ўқитувчи.
Самарқанд область Хатирчи район, Янгийўл қишлоқ Советидаги Ленин номли колхоз.

ДАВР ТАЛАБИ

Гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштиришдек улуғ вазифани зиммаларига олган Қўрғонтепа районидаги Энгельс номли колхозининг Маҳаммаджон Исмоилов бошлиқ 10-бригада аъзолари 102 гектар майдонга экилган чигитларни бир текисда ундириб олиш ва яшил квадратлар ҳосил қилиш учун меҳнатни қизитиб юбордилар. Абдуллажон ота Кенжабоев, Қўзибой Умаров, Мамарасул Усмонов сингари тажрибали сувчилар ғайратларига ғайрат қўшиб сидқидилдан ишламоқдалар.

Ҳар касб эгаси ўз ишига моҳир: бу қўли гул нишиларимиз пахта хирмонини кўнка етказишни кўзлашаётир. Шоир ва хушхонларимиз эса уларнинг мадҳини шеърларда куйлашса деймиз.

Пахта соҳибкорлари ҳақида озми-кўпми бадиий асарлар яратилди ва яратилар. Истагимиз шуки, ҳадеб номлари кўп марта тилга олинган пахта усталари, механизаторлар ҳақида қўшиқлар, очерклар, лавҳалар ёзилабермай, номлари ҳали тилга олинмаган терминчи чеварлар, моҳир механизаторлар ҳақида ҳам ёзилса. Уларнинг ўрнан олса арзийдиган ишларини, тажрибаларини оммалаштиришда ёзувчиларимиз кўмакдош бўлишса.

Меҳнат аҳллари орасида ҳали ҳеч танилмаган, лекин фидокорона меҳнати билан ишлаб чиқаришга улкан ҳисса қўшаётган азаматлар кўп. Шуларни қидириб, топишса деймиз.

М. МАМАДАЛИЕВ,
Андижон область, Қўрғонтепа район, Энгельс номли колхоз.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Қайтиб келди боғимга гуллар,
Қайтиб келиб қушлар, қу-кулар.
Кучга тўлиб баҳорги қўёш
Қайтиб яшнаб сочар ёғдулар.

Аммо қайтмас экан кўзга нур,
Кучга тўлган жўшқин ёш умр
Ғалга солма эзгу ниятинг,
Сўнг пушаймон не қила олур.

Қувиб бўлмас келса кексалик,
Қутмайди бахт, десанг шошмай
тур.

* * *

Ёшликдаги дўстларим кўрсам,
Шўх болалик хотирга тушар.
Сиҳбат қилиб бир зум ўтирсам,
Кўнглим ўша ёшликдай жўшар.
Шунда қочиб ажиналр юздан,
Сочдан бўғдай кўтарилгай оқ.

Дўстларингни унутма тездан,
Дўстлар борки, ёшлигинг
ҳамроҳ.

* * *

Ўқ нишонга тегмаса бир бор,
Бошқа бири тегади шаксиз.
Нур гар сўнса, ёнади такрор
Бекор кетган вақт қолдирмас из.

Неки кетса қайтармоқ мумкин,
Вақт кетса-чи қайтариб бўлмас.
Чунки умр ҳеч ўлмайди тин
Чунки инсон қайта туғилмас.

* * *

Сўзлар бор:
Харсангдек бошга тушади.
Сўзлар бор:
Қанотга-қанот қўшади.

Зоҳиджон ОБИДОВ.

КЎНГИЛ ОРЗУСИ

Субҳидамда қуёшнинг жамолин
Кўрмоқ бўлиб,
Тикиламан оппоқ тонг
йўлларига.
Гул баргида қуёш нури ялтирар
Завққа тўлиб,
Термуламан боғимнинг
гулларига.
Оламга нур таралар —
Фароғатли янги кун...
Эшик қоқар менга таниш
почтальон.
Газетани варақлайман:
«Оламда не гап бугун?»
Хушхабарлар тўлқини урар
жавлон...
Бошим узра чарақлар
Пурзиё ўша офтоб,
Кўк гумбази тиниқ,
Майин,
Мусаффо!
Ер юзи осойишта,
Қулоқ,
Табассум сероб,
Атрофимда ўйнар беғубор сабо.
Қалбимга қуюлмоқда сеҳрловчи
Бир қўшиқ,
Юртим латофати дилбар,
Фусункор.
Ғабиат борлиғимни этмиш
Ўзига ошиқ,
Бунча жозибалисан,
Кўркамсан диёр!
Истайманки:
Ҳамиша қуёш сочаверсин нур!
Ҳеч губор босмасин тонг
жамолини.
Диллардан аримасин севги-ю,
Севинч,
Сурур,
Кўриб турай инсон истиқболини!

Душан ФАЙЗИЕВ,
Самарқанд.

Рассом блокнотидан

ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ

Бисотидаги яккаю-ягонаси...

Илҳом манбаи.

Йиғлоқи куйлар.



Бир жойда...
М. Воробейчиков чизган расмлар.

ЮКСАК ГРАЖДАНЛИК УЧУН

Гражданлик — бу энг аввало халқ билан бирга нафас олиш, унинг тарихи, бугуни, эртаси, унинг фикри ва ниятлари тўғрисида ўйлаш, қайғуриш. замонанинг энг йирик, илғор, янги-янги масалаларини ечишга ва даврнинг улуғ ҳақиқатини айтишга интилишдир. ҳар бир масалага унинг истиқболи билан ёндашиш ва кенг қўламда муҳокама юритиш, актив ва ҳужжатлар бўлишдир, ғоявий юксакликни доим бадиий мукаммаллик билан қўшиб олиб боришдир. Кейинги йиллар ўзбек поэзияси мана шу томонлари — гражданлик пафосининг чуқурлашуви билан характерланади. Шоирларимиз халқ билан ҳамқадам юришга, у билан юзма-юз туриб, қалбдан суҳбатлашишга, унинг шодлиги ва ташвишлари, асримизнинг ёркин хусусиятлари тўғрисида рўй-рост фикрлаш — баҳслашишга, халқни олий мақсадлар сари курашга илҳомлантиришга асосий интилмоқдалар. Турмушнинг мураккаб ахлоқий масалалари, инсоннинг маънавий гўзаллигини ёритишга диққат қучайди. Поэзиямизнинг масштаби анча кенгайди, у янада ўйчан-мушоҳадали, янада фалсафийроқ бўлиб қолди, шоирлар янги-янги усуллар, формалар қидириб топмоқдалар, поэтик тилнинг қудрати ва таъсир қучини ошириш устида жиддий қайғурмоқдалар. Яқин вақтларда ҳам баъзан баландпарвоз гапириш, бирор сиёсий воқеа ёки ҳужжатлар ни шарҳлаб ёзишга уриниш, фактлар ва янгиликларнинг ташқи томонигина айтишга зеб бериш ҳоллари мавжуд эди. Энди чуқур идроклаб умумлаштириш, воқелик моҳиятини очиш йўлига тушиб олдик. Такрор, декламация ўрнини ҳаётий белгилар — деталлар, реал конфликтлар, жиддий қиёслаш, етук хулосалар эгалламоқда. Ғафур Ғулом тарихий-фалсафий масалаларни жиғонвар лирик ғорларда ҳал қилмоқда, Ўйғун ўзининг ғабиат ва муҳаббат лирикаси учун янги образлар кидираётгани қувончли, Шайхзоданинг шеъри эпик моментларни дадил киритиб, конкрет тасвирдан катта фалсафий хулосаларга кўтарилиши-чи! Миртемирнинг халкимиздаги миллий ва интернационал белгиларнинг ранг-баранг кирраларини топиб, самимий куйлаши, Зулфиянинг ҳамиша ўйчан-мушоҳадали, воқеликни драматик ҳолатда ифодаловчи шеърлари, Шуҳрат ва Мирмуҳсиннинг поэтик деталларга бой асарлари, М. Бобоев ва Шукруллонинг жиддий ҳаётий ва ахлоқий масалаларни ечиб берувчи шеъролари, болалар шоири Қуддус Муҳаммадийнинг содда ва чиройли асарлари ва С. Абдуқаҳҳорнинг хилма-хил шаклдаги рангдор сатираси — хуллас бизда ижодий силжиши ёркин кўринмаган шоир кам. «99 миниатюра» (А. Мухтор), «Тонг юлдузлари» (З. Обидов) китобларининг бири фикран чуқурлиги, шаклан ихчамлиги, сўнгги сиёсий лирик овози ва сер бўёқлиги билан характерланади. Туроб Тўла, Ёнгин Мирзо, П. Мўмин каби қўшиқчиларимизнинг бу жанрда жуда зарур иш қилаётганликларини алоҳида таъкидламасдан ўтиб бўлмайди. Санда Зуннунованинг янги шеърлари, ёш шоираларимизнинг гобора юқорилаб боришлари диққатни тортади. Ёшлар поэзияси ҳақиқий мусобакадошлар поэзияси бўлиб қолди. Янги фикр ва янги формаларни тинмай қидираётган, шеъриятда ҳақиқий публицистик йўлдан бораётган Ҳусниддин Шарипов («Изма-из» поэмаси), чиройли манзаралар ва сертуйғу кичик шеърий формада замондошимизнинг поэтик биографиясини чизишга муяссар бўлаётган Эркин Воҳидов («Менинг юлдузим» китоби) ва бошқа шоирлар ғорига Абдулла Орипов каби умидли ижодкорлар қўшилмоқда. Поэзиямиздаги ранг-баранглик манера, услублар, приёмлар хилма-хиллигидангина эмас, балки энг аввало шоирларимизнинг ҳаётга ўзига хос равишда муносабати, уни ўзларига хос ҳолда идроклаши, тушуниш ва тушунтиришида кўринмоқда.

Гражданликнинг мезони реализмнинг мукаммаллиги, инсонийликнинг чуқурлиги билан ўлчанади. Ҳали қатор асарларимизда сиёсий сезгирлик, революцион пафос, романтик қанот ва публицистик тобланганлик — ҳақиқий гражданлик мотивлари тўла эмас, ҳали ҳам баландпарвоз сўзлар, қуруқ гаплар, шовқин-суронли шеър орқали гражданликка эришишга уриниш йўқ эмас. «Ҳанузгача баъзи бировлар, — деб жуда тўғри таъкидланади «Правда»нинг бош мақоласида, — бадиий асарда тумтароқли «актуал» гаплар қанча кўп бўлса, асар замона руҳига шунча мос бўлади, деб ўйламоқдалар. Аммо, ҳақиқий публицистикани сафсатабозликдан ажрата билиш керак. Турмушни партиявий тарзда тушуниш, коммунистик собиткадамлик жонли бадиий образларда гавдалантирилиб, асарнинг бутун тўқимасига сингиб кетган тақдирдагина санъат фактига айланади. Санъат фақат шу билан тириккки, унда ғоявийлик билан бадиийлик узвий равишда боғланиши керак».

Публицистик шеърда факт, конкретлик, умумлаштириш, катта фикр ва хулоса, ҳужумкорлик руҳи, сиёсий ўткирлик ва ҳаммадан аввал тўлақонли характер яратилиши керак.

Публицистик шеър муносабати билан яна бир фактни эслатиб ўтмоқ лозим. Бизда поэзиядаги тумтароқлик, сафсатабозликка қарши очилган ўтни умуман публицистик шеърга қарши йўналтирилган деган тушунча борга ўхшайди. Кейинги йилларда поэзиямизда умуман публицистик шеър кам ёзилмоқда. Унинг ўрнига хаётнинг ўткинчи нарсалари ёки аллақачон ечиб қўйилган масалаларга диққат қилиш ҳоллари юз бермоқда. Тематик торликдан ташқари кичик факт асосида катта гап айта олмаслик, муҳим хулосалар чиқара билмаслик, томчида оламни зуҳр қила олмаслик ҳолларига дуч келмоқдамиз. Бу ерда гап фақат темада, айтайлик, «ўлмас» темалар билан банд бўлишни қоралаш устида кетаётгани йўқ. Агар шеър замон талаби билан ёзилган бўлса, унда шахсий ва ижтимоий мотивлар бир-бири билан узвий боғланган бўлса, қайси темада ёзилишидан қатъи назар одамларда юксак гражданлик туйғуларини уйғотишига шубҳа йўқ. Гап поэтик асарларимизда, ҳам умуминсоний мазмунининг чуқурлигига эришиш тўғрисида, ҳам бутун инсоннят ҳаёти ва тақдири, унинг кураши ва эртаси, замон оқимини акс эттириш тўғрисида кетмоқда.

Бизда масштаб торлиги йирик поэтик асарларда айниқса яққол кўринади. У ёғини суриштирсак, поэмачилигимизнинг ўзи оқсаб келмоқда. Бу жанрда асосан ёшлар куч синашмоқда, катта шоирларимиз, негадир, поэмачиликдан ўзларини тортиб юрибдилар. Яратилаётган саноқли поэмаларнинг баъзилари кўтаринкилик, қаҳрамонлик, чуқур умумлашмалар ва поэтик кашфиётдан маҳрум.

Поэзиямизнинг бой гражданлик традицияларидан ўрганиш мумкин ва фойдалидир. 30-йиллар поэзиясидаги активлик, сиёсий сезгирлик, уруш даври поэзиясидаги жанговарлик, юксак гражданлик, чуқур оптимизм ёки 50-йиллар поэзиясидаги тинчлик учун кураш темасидаги ўткир публицистик руҳга ўхшаган поэзиямизнинг қанчадан — қанча ҳаётий традициялари ўрганишга лойиқдир. Ҳақиқий новаторлик йиллар давомида меҳр билан йиғилган ўлмас традицияларни четлаб

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ • 2

12 МАЙ, 1965 ЙИЛ
№ 109 (13.065).

МИНЖИР СУВ ОМБОРИ ЗАРУР

СУҒОРИШ СИСТЕМАЛАРИ ҚАШҚАДАРЕ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ ДИҚҚАТИГА!

Районимиз территориясида 38 минг гектар экишга яроқли ер бор. Шундан 14.500 гектари шартли суғориладиган ва 8.300 гектари эса суғориладиган майдонлардир. Колхоз ва совхозлардаги 9.500 гектар майдонда пахта етиштирилади.

Район территориясидан бир-дан-бир сув манбаи — Яккабоғ дарёси ўтади. Тоғлардаги қор эриган пайтларда бу дарёдан секундига 40-50 кубометргача сув оқади. Лекин экин учун жуда зарур бўлган июль ва август ойларига бориб, дарёдаги сув кескин камайиб кетади, секундига 2,5-3 кубометрга тушиб қолади.

Кўриниб турибдики, 9.500 гектар майдондаги ғўзани бутун вегетация даврида 6-7 ўрнига кўп деганда 2.5-3 марта суғоришга тўғри келади.

Ерларимиз серунум. Баъзи участкаларда гектаридан 35-40 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олса бўлади. Лекин ғўза энди гулга кирган пайтда сувнинг камайиб кетиши оқибатида, ҳосил тугунчаларини тўла сақлаб қололмаётирмиз. Шунга кўра, ҳосилдорлик камайиб кетяпти.

1959 йилдан 1963 йилга қадар районимиз пахта тайёрлаш давлат планларини бажара олмади, гектаридан олинган ҳосил 16-18 центнердан ошмади. 1963 йилдан бошлаб, 44 километр узунликдаги Ўнг қирғоқ, Чап қирғоқ ва Қизил сув каналлари қазилиб, бетон ётқизилди. Бунинг учун 240 минг кубометр ҳажмдаги тупроқ ишлари ҳамда 42 минг кубометрли бетон ишлари бажарилди.

Натижада бутланиб кетадиган ва турли сабабларга кўра ҳар секундда исроф қилиб келинган 1-1,2 кубометр сув тежаб қолиняпти. Бу эса бутун вегетация даврида 1000 гектар майдондаги ғўзани 6 марта суғориш имкониятини бермоқда.

Бундан ташқари, ер ости сувларидан ҳам яхши фойдаланяпмиз. Шу кеча-кундузда район хўжаликларида 46 та артезиан қудуқлари ишлаб турибди. Уларнинг ҳар биридан секундига 5 литрдан 20 литргача сув олиняпти.

«Ленинизм», «Ленин учқуни», Калинин номли, «Қизил юлдуз» колхозларида 76 километр узунликда коллектор ва зовурлар қазилиб, 1.300 гектар майдоннинг захи қочирилди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси пахта ҳосилини оширишга яхши таъсир кўрсатди. 1963 ва 1964 йилларда район бўйича пахта топшириш плани анча ошириб бажарилди, гектаридан 22,6-24 центнер ҳосил кўтарилди. Бу йил 25 минг тонналик «оқ олтин» хирмони яратиш учун курашяпмиз.

Колхоз ва совхозларимизда 1.200 гектар узумзор, 1.800 гектарга яқин мевазор боғлардан ташқари, 2.370 гектар майдонда мева дарахтлари ўстириляпти. Уларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун ҳам сув етарли бўлиши зарур.

Хўш, Яккабоғ районида сув проблемасини ҳал қилиш имконияти борми? Албатта бор. Чунончи, Яккабоғ қишлоғидан 13 километр юқорида Минжир қишлоғи жойлашган. Ана шу қишлоқнинг этагида катта ва анча арзон тушадиган сув омбори қуриш учун табиий қулай жой мавжуддир. «Узгипроводхоз» илмий текшириш институти бош инженери ўртоқ Писарчик раҳбарлигида бу ерда лойиҳалаш иши бошлаб юборилди. Минжирда сув омбори қурилса, унда 200 миллион кубометр сув тўплаш мумкин бўлади.

Лекин лойиҳалаш ишлари суст боряпти. Институт раҳбарлари бу ишни тезлаштириш учун ҳамма чораларни кўришлари керак. Ана шу сув омбори қурилса районимизда сув масаласи ҳал бўлади. Мамлакатга ҳар йили 60-65 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун имконият яратилади.

Яккабоғликлар Минжир сув омбори қурилиши бошланадиган кунин орзиқиб кутишяпти.

М. БОЗОРОВ,
Яккабоғ район суғориш системалари бошқармасининг бош инженери.

А. КАРИМОВ,
район «Авангард» газетасининг бўлим мудири.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

БЕГОНА ЎТ — ҲОСИЛ ДУШМАНИ

Бегона ўтларга қарши кураш ғўза парваришидаги энг муҳим тадбирлардан биридир. Чунки бегона ўтлар ғўза туплари оралариға суқулиб кириб олиб, унинг озуқасига шерик бўлади, сув, шарватни сўриб олади ва соя ташлаб, ниҳолларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу билан бирга, бегона ўт турли касалликларнинг, зараркунандаларнинг тарқалишига ҳам сабабчи бўлади. Шунга кўра, мўл ҳосил етиштираман, деган деҳқон бегона ўтга қарши кескин кураш олиб бориши, унинг тарқалишига мутлақо йўл қўймаслиги зарур.

Ғўзалар орасида ғумай, ажриқ, саломалик, печак, шумгия, накра, итузум, шўра, туяқорин, читир, жаг-жаг, қорамиг, шамак, итқуноқ, қамиш, қораҳўза ва шу каби кўпгина ўтлар учрайди. Бу ўтлар ғўза туплариға нисбатан тезроқ ривожланиб илдиз олади ва уругланиб, ғўзага ҳар тараффлама зарар етказади.

Масалан, ғумай, итузум, қамиш ва шўра сингари ўтлар азот, калий ва фосфор билан озиқлантирилган ғўзаларнинг ўсишига тўсқинлик қилади. Шундай бегона ўтлар ҳар гектар ерда ўсимлик учун зарур бўлган 140 килограмм азотни камайтириб юборишлари мумкин.

Бегона ўтларнинг айниқса баҳорда кўпайиб кетиши ғўза учун жуда хавфлидир. Чунки бу вақтда ғўза туплари жуда ёш ва нозик бўлиб, ҳар қандай зараркунандалар ва касалликларга тез чалинади. Негаки, зараркунандалар бегона ўтларга уя қўйиб, тез кўпаяди ва ғўза туплариға тарқалади. Барг, шона, гул ва мевасига ўтиб, ҳосилга зарар етказади.

Бегона ўтлар ғўзага нисбатан ҳаётчандир. Шу билан бирга, бу ўтлар жуда кўплаб уруғлайди. Масалан, бир туп қурмак мавсумда 6 минг донагача, кўк итқуноқ 7 мингтагача, қамиш 50 минг, шумгия 100 минг, зарпечак 140 минг, шўра ярим миллионтагача уруғлайди. Бу рақамларнинг ўзи бегона ўтлар ғўза учун нақадар хавфли эканлигини кўрсатиб турибди.

Бегона ўтларнинг уруғлари сув, шамол ва бошқа воситалар таъсирида пахтазорларга, бошқа экинларга жуда тез тарқалади. Чунки уларнинг уруғи майда, енгил, баъзилари узоқ муддат сақланиб қолса-да, ўсиш қобилиятини йўқотмайди.

Бегона ўтларга қарши кураш тадбирлари турлича, деса бўлади. Аввало ер чуқур ҳайдалади. Ўтлар илдизи билан қирқиб ташланади. Ғўза қатор ораларини культивация қилиш даврида қолган-қутганлари қирқиб ташланади. Ундан кейин ҳам ўсиб чиққан бегона ўт чопиқ вақтида юлиб ташланади. Бегона ўтларнинг гуллаб уруғланишига йўл қўймаслик керак.

Ғўза офати бўлган бегона ўтларга қарши профилактик йўл билан ҳам курашиш лозим. Бунда уларнинг ривожланишига имконият яратилмаслиги керак. Экинзорлар, боғлар ва йўл ёқаларидаги бегона ўтларнинг уруғини батамом йўқотиш зарур.

Ғўзани суғориш олдидан сувни ҳам бегона ўтлардан тозалаш керак. Бунинг учун ариқлар ичидаги ва сув шохобчалари қиргоқларидаги бегона ўтларни тамомила юлиб ташлаш талаб этилади. Очар сувларда бегона ўтлар уруғини тўсиб қолувчи тўрлар ўрнатилиши керак. Бундан ташқари, экинзорлар атрофидаги бегона ўтларни механик-химик усуллар билан тозалаб туриш лозим.

Ғўза қатор ораларида пайдо бўладиган бегона ўтларни чопиқ, ягана, суғориш даврида йўқотиб бориш мақсадга мувофиқдир. Зарпечакни қўл билан ҳам юлиб ташласа бўлади.

Маълумки, печак ва зарпечак беда поляларга кўплаб тарқалади. Печак беданинг хавфли душманидир.

Энг зararли ўтлардан бири — қўйпечакдир. У беда, ғўза ва бошқа экинларга катта зарар етказади. Лекин у мактабгачаларга тушмайди. Қўйпечак тарқалган участкаларда мактабгачаларни экиш керак.

Алмашлаб экиш туфайли кўп йиллик бегона ўтларни камайтириш ёки батамом йўқотиш мумкин. Агар ана шу усуллар билан бегона ўтларни йўқотиш имконияти бўлмаса, у вақтда химиявий усуллардан, айниқса гербицидлардан фойдаланиш мумкин. Натрий хлорати, кальций хлорати, марганцмушли бирикмалар — (натрий арсенит) карболинеум, хлоратлар бегона ўт илдизларини ва уруғларини йўқотишда яхши самара беради. Натрий арсенит беда поляларидаги зарпечакни йўқотишда яхши восита ҳисобланади.

Шу кунларда беполён далаларимизда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл-кўл ҳосил етиштириш учун кураш қизғин тус олмоқда. Айни вақтда ҳосил душмани — бегона ўтларга қарши кураш жуда муҳим тадбир ҳисобланади. Шундай экан, бегона ўтларнинг тарқалишига йўл қўймайлик, уларни таг-томири билан йўқотайлик.

М. ТУЙЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.

ТАДБИРКОР ДЕҲҚОН

Низом ўрта мактабни битиргач, юрак амри билан қишлоққа жўнади. Уни колхоз аъзолигига қабул қилишди.

Шу-шу бўлди-ю, Низом ишга шўнғиб кетди, гайрат камарини маҳкам боғлаб меҳнат қила бошлади. Орадан сал вақт ўтмай, уни механизатор кадрлар тайёрлаш мактабига юборишди. Техникага ихлос қўйган Низом бу мактабни ҳам яхши тамомлади. Кузда ер ҳайдади, баҳорда ер текислаб чигит экди, вегетация даврида ғўза қатор ораларини культивация қилди. Йиғим-теримда машина штурвалини маҳирона бошқарди, бункердан тонна-тонналаб «оқ олтин» тўкди.

Бир куни Низомни колхоз идорасига чақириб қолишди. Правление раиси Саттор Жабборов, партия ташкилотининг секретари Ҳанифа Жумаева ва бош агроном Баҳо Аҳмедов ўртоқлар ёш механизаторни самимий кутиб олишди.

— Сизни бригадирликка тавсия этмоқчимиз,— деди раис Саттор Жабборов.

Механизатор Низом Шамсиев бригадани қабул қилиб олди. Янги бригадир колхозчиларга топшириқ бериб юрадиганлардан эмас эди. Ўзи трактор рулига ўтирди. Чигит экиш, ғўза қатор ораларини культивация қилишда ҳаммага намуна кўрсатди. Ўша йили мўл ҳосил етиштирилди. Бригада бўйича 137 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» топширилди. Низом Шамсиев бригадага моҳирона раҳбарлик қилгаллиги, техникага таяниб иш тутганлиги, одамларни ижодий меҳнатга ундай олганлиги туфайли мажбурият ошириб бажарилди.

Айниқса ўтган йилги ютуқлар кувончли бўлди. Бригаданинг ҳар гектар еридан 32 центнердан ҳосил олинди. Етиштирилган ҳосилнинг 42 процента «зангори кема»ларда териб олинди.

Бригада етти йилликнинг сўнгги босқичида ҳам юксак марраларни кўзлаб ишламоқда. 140 гектар майдонга чигит қисқа муддатда экилди. Гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд-паймон қилган мазкур бригаданинг барча майдонларида чигит қийғос ундириб олинди. Дарҳол ғўза парваришига киришилди. Механизаторлардан Яҳё Ярашев ҳамда Аҳрор Ҳасанов ўртоқлар бригадир билан ёнма-ён турib, ғўза қатор ораларида жавлон ура бошладилар.

Шу кеча-кундузда Гиждувондаги Энгельс номли колхознинг Низом Шамсиев бошлиқ бригадасида бўлсангиз, барқ уриб ўсаётган ғўзаларини кўриб кувонасиз. Бу ерда ғўза қатор ораларини биринчи культивация қилиш яхши тугалланди. Культивация билан айни вақтда гектарига 100 килограммдан селитра ва 400 килограмм қўй қийи солинди. Бу, ёш ниҳолларнинг мавж уриб ўсишига яхши таъсир кўрсатмоқда.

Вазда — пафоси билан чиройли. Бригада аъзолари ана шунга тўла амал қилиб, ҳар гектар майдонда 100 минг туп ниҳол бўлишини таъминламоқдалар ва ғўзаларни меҳр билан ўстирмоқдалар.

Р. АВЕЗОВ.



СИЗ бу суратда Тошкент трактор йиғув заводида яқинда ишга туширилган асбобсозлик цехини кўриб турибсиз. Янги цех кенг, озода, ёруғ. Туваклардаги гуллар кишига завқ бахш этади. Цехга кирган ишчининг баҳри-дили очилади, унумлироқ ишлагиси келади.

И. Глауберзон фотоси.

СУРХОНДАРЁДА БИРИНЧИ

ЖАРҚЎРҒОН (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Жарқўрғон райони меҳнаткашлари бу йил 15 минг 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан, жами 43 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар пахтачиликни кенг механизациялаш йўли билан ҳосилдорликни оширишга жиддий эътибор бермоқдалар. Шу туфайли ғўзанинг биринчи парваришини Сурхондарё областида ҳаммадан олдин тугалладилар.

Бу муҳим ишда 250 та чопиқ трактори қатнашди. Ғўза культивацияси билан бир вақтда озиқлантириш ҳам қўшиб олиб борилди. Райондаги «Меҳнатроҳат», «Коммунизм» колхозлари ва «Сурхон» совхозининг ишчилари дастлабки парваришни тугаллаб, ғўзанинг иккинчи парваришини ҳам бошлаб юбордилар. Шу кунга қадар район хўжаликларида 4 минг гектарга яқин майдонда иккинчи культивация ўтказилди. Жарқўрғонликлар оласига экиш, гектарларнинг тўлалигини таъминлаш соҳасида ҳам катта иш қилмоқдалар.

Шунингдек, Сариосиё районининг меҳнаткашлари ҳам ғўзанинг дастлабки парваришини тугалладилар. Бу ерда 15 минг 680 гектар майдондаги ёш ғўзалар биринчи культивациядан чиқарилди. Ғўза парваришида 260-270 трактор ишлаяпти.

А. ХАЛИЛОВ.

ЮҚОРИ САВИЯДА

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Саноат конкрет экономикасини ўрганиш тўғарагининг навбатдаги машғулоти ўтмоқда. Пропагандист Нортожи Мансуров ўтилган темани савол-жавоблар билан мустаҳкамлагач, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш йўлларига тўхталди. Темани тушунтиришда бошқарма корхоналари ҳаётидан олинган конкрет мисоллардан, расм, плакат, диаграммалар, шунингдек бошқа кўргазмали қуроллардан усталик билан фойдаланди.

— Пармалашда тезкорлик усулини қўлланиб, механизмларни қанчалик унумли ишлатсак, — деди пропагандист, — биз пармалаш соҳасидаги вазифаларни шунчалик илгари тамомлаб, газ конларини фойдаланишга тезроқ топширамиз. Асбоб-ускуналарнинг «умри» қанча узайса, давлат маблағлари шунча кўп тежалади.

— Механизмларни такомиллаштириб, комплекс автоматлаштиришга кўчсак-чи? — сўраб қолди тингловчилардан бири.

— Қани энди шундай қилолсак. Унда биз талай ишчи кучини тежаб, уларга тўланадиган иш ҳақини иқтисод қилиб қолардик. Ҳозирча қудуқларни масофадан туриб бошқаришга кўчсак, шу йўлда катта қадам қўйган бўламиз, — деди Мансуров.

Шу пайт бошқарма конструкторлик группасининг раҳбари ўртоқ В. Перфельев сўз олиб, шу соҳада олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб берди. Группа қудуқларни бошқарув пультидан туриб идора қилиш системасини ишлаб чиқиб. Бу система ёрдамида масофадан туриб, маълум кнопкаларни босиш билан қудуқда ёки йиғув пунктида ҳаво босими қанчалигини, газни сарфлаш меъёрини аниқлаш, камчиликлар содир бўлганда қудуқ ёки йиғув пункти ишини дарров тўхтатиш мумкин. Масофадан туриб бошқариш системаси эса мамлакатимиз газ саноатида биринчи марта ишлаб чиқиляпти.

Пропагандист Мансуровнинг ўзи инженер бўлгани учун бошқарма цехларида, сменаларида аҳвол қандайлигини, қаерда қандай ресурслар, ички имкониятлар борлигини яхши билади. У назарий билимларни турмуш тажрибалари билан, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари билан боғлиқ ҳолда тушунтиряпти.

Бу ерда ҳар бир тингловчи жанговар агитатор ва сиёсий тарбиячидир. Шу билан бирга улар ишлаб чиқаришда ҳам шахсан намуна кўрсатяпти. Газли нефть-газ корхоналари бошқармасида тўрт ойлик топшириқнинг муддатидан илгари бажарилиши, меҳнат унумдорлиги пландагидан икки процент оширилиши ва ҳар юз кубометр газнинг таннархи 0,3 тийинга камайтирилишида сиёсий тўғараклар тингловчиларининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Газли нефть-газ корхоналари бошқармаси партия комитети ҳузурида 16 та сиёсий тўғарак ва мактаблар ишлаб турибди. Уларда газ ва нефть саноати корхоналарида ишлаётган коммунистлар, комсомол ҳамда партиясиз активлардан 500 киши билимини оширяпти. Партия комитетининг секретари ўртоқ Ю. Участкин партия маорифи шохобчалари иши устидан амалий раҳбарлик қиляпти. Бу ерда машғулотларни ўз вақтида ва пухта тайёргарлик билан ўтказишга катта эътибор бериляпти.

Областда ўз ишини яхши йўлга қўя олган бундай сиёсий тўғараклар анчагина бор. Бухоро шаҳридаги Горький номли ўрта мактабда, Вобкент районидаги «Шофиркон» колхозида ташкил этилган сиёсий тўғараклар раҳбарлари Л. Амирова, П. Отаевлар ажойиб пропагандистларимиздан ҳисобланади. Улар машғулотларни мактаб, колхоз олдидаги конкрет вазифалар билан узвий боғлаб олиб борадилар.

Область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларига амал қилиб, сиёсий маориф қўламини анча кенгайтириши туфайли партия маорифи шохобчасида яхши натижаларга эришяпти. Бу йил областимизда ташкил этилган 2 мингга яқин назарий-семинар, тўгаракларда 47 минг киши марксизм-ленинизм асосларини ўрганяпти. Булардан ташқари халқ университетлари, оммабоп лекторийлар, комсомол сиёсий-маорифи шохобчаларида 130 мингдан ошиқ киши сиёсий билимини оширяпти. Бу ўтган ўқув йилидагига нисбатан 10 минг киши кўп демакдир. Ҳозир областдаги тўгарак ва семинар раҳбарларининг кўпчилиги олий маълумотлидир. Область партия комитети ходимлари, район раҳбарлари пропаганда ишига кенг жалб этиляпти, ҳозир пропагандистларимиз орасида партия, совет, хўжалик ташкилотларининг масъул ходимларидан 640 киши бор. Бу илгариги ўқув йилидагига нисбатан қарийб икки баравар кўпдир.

Пропагандистлар семинарини тез-тез ўтказиш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш асосий ишларимиздан бўлиб қолди. Область партия комитети янги ўқув йилида область марказида ва районларда пропагандистларнинг семинарларини ўтказди. Бу семинарларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитетининг лекторлари, педагогика институтининг ўқитувчилари коммунистик қурилишнинг назарий масалаларига доир лекциялар ўқидилар ҳамда методик кўрсатмалар бердилар. Бундан ташқари, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида 29 та доимий семинар ишлаб турибди.

Пропагандистларимизга жойлардаги сиёсий маориф уйи ва кабинетлари ҳам яхши ёрдам кўрсатяпти. Областда 12 та штатли ва 58 та жамоатчилик асосларида ишлаётган сиёсий маориф кабинети бор. Улар керакли адабиётлар, маҳаллий материаллар, кўргазмали қуроллар билан таъминланган.

Ҳозирги пайтда марксизм-ленинизм назариясини ўрганишнинг асосий методи бўлган мустақил ўқишга катта эътибор бериляпти. Ҳозир областда 12 минг киши коммунистик қурилишнинг муҳим проблемаларини мустақил ўрганяпти. Уларнинг кўпчилиги мустақил ўқишнинг коллектив формаси бўлган марксизм-ленинизм кечки университетлари, назарий семинарларга қатнашяптилар.

Бухоро шаҳридаги пиллакашлик фабрикасининг директори В. Аҳмадбоев, область ихтисослаштирилган автотрактор конторасининг директори Н. Гольцев, Газли нефть-газ корхоналари бошқармасининг бошлиғи А. Мелсиддинов, Бухородаги йирик панелли уй қуриш комбинатининг бош инженери А. Кузанов ва бошқалар ўзлари раҳбарлик қилаётган хўжаликларда ишлаб чиқаришни яхшилаш билан бирга коммунист ва партиясиз активларнинг ўқишига ҳам амалий раҳбарлик қилаётирлар.

Область партия комитети ҳузурида раҳбар ходимлар учун бир йиллик мактаб ташкил этилди. Бу мактабга область партия ва совет активларидан 128 киши қатнашмоқда. Ҳозиргача мактабнинг тўрт машғулоти ва бир семинари ўтказилди. Машғулотларда «Тинчлик учун кураш ва жаҳон революцион ҳаракатининг ривожланиши», «Жаҳон социалистик системаси ҳозирги даврда революцион ҳаракатининг ҳал қилувчи фактори» каби темалар ўрганиляпти. Шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида ҳам шундай мактаблар ишлаб турибди.

Область партия ташкилоти коммунистларни ва партиясиз активларни сиёсий жиҳатдан чиниқтириш тўғрисида гамхўрлик қилиши туфайли етти йилликнинг охирги йили вазифаларини муваффақиятли бажариш учун курашда меҳнаткашларнинг активлиги ва ташаббускорлиги кучайяпти.

Б. ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон КП Бухоро область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

Конвертларни очганда

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

Кеча редакция 80 хат, 2 фотосурат олди.

ЛОТЕРЕЯГА «МОСКВИЧ»

Хўжаобод районидаги «Пахтакор» колхозининг аъзоси Тожимаҳмуд Ғафуров яқинда ўтказилган пулбуюм лотереяси билетига «Москвич» енгил автомашинаси ютди.

Қ. Йўлдошев.

ЙУЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Бухоро область автомобиль трести Қоракўл темир йўл станцияси — Янгибозор—Қораук посёлкалари ўртасида янги автобус маршрути очди.

Ш. Шерриев.

«ҚАЛДИРҒОЧ»

Термиз шаҳрида типовой формада қурилган саноат ва озиқ-овқат моллари магазинлари тобора кўпаймоқда. Яқинда бу ерда пойафзал билан савдо қилувчи «Қалдиргоч» магазини ишга туширилди.

Қ. Абдужалилов.

ЯНГИ КИНОТЕАТР

Қўқон шаҳрининг Максим Горький кўчасида 300 ўринли кинотеатр биноси қуриб битказилди.

Р. Шерматов.

МУҲТАШАМ БИНОЛАР

Андижон шаҳрида жамоат бинолари қуриш авж олдириб юборилди. Навоий проспектида қад кўтарган икки қаватли бино кичиктойлар ихтиёрига берилди. Бу ерда боғча ёшидаги 150 бола тарбияланмоқда.

М. Болтабоев.

СТУДЕНТЛАР МАМНУН

Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентлари янги беш қаватли бинода машғулот ўтказмоқдалар. Бу — қурувчиларнинг бўлғуси мутахассисларга совғасидир.

А. Тоғаев.

БУ ҲАМ КАСАЛЛИК

— Радиоприёмник батареяси борми?

— Яқинда тамом бўлган эди.

— Велосипед камераси-чи?

— Бошқа магазинларни қидириб кўринг...

Амударё районидаги кўпчилик магазинларга кирсангиз ана шундай савол-жавобларни эшитасиз. Батарея йўқлигидан кўпчилик хонадонлардаги радиоприёмниклар ишламай турибди. Район матлубот жамиятининг раҳбарлари уларни «тил»га киритиш ҳақида ўйлаб ҳам кўраётганлари йўқ.

А. Жуманиёзов.

Ишчи-деҳқон мухбирларидан Ж. Сотибалиев (Чуст райони), А. Назаров (Жиззах), У. Тўхтаев (Шўрчи), Қ. Мусаев (Москва райони), А. Сапиев (Янгийўл), С. Камолов (Бўка), Р. Жўраев (Бекобод)лар йўллаган хат-хабарларда ҳам ютуқлар мадҳ этилиб, камчиликлар танқид қилинган.

ҚИСҚА САТРЛАР

Андижон районидаги «Янгиобод» колхозининг ўртоқ И. Азимов бошлиқ бригадаси аъзолари чигитни қулай агротехника муддатларида экиб бўлдилар. 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилган бу бригада ерларида яшил квадрат пайдо бўла бошлади.

У. Сиддиқов.

●

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозда бу йил чорва моллари учун мустаҳкам озуқа базаси яратишга алоҳида эътибор берилаётир. Шу мақсадда 205 гектар ерга мактабгачаларни экилди. 176 гектар ерга арпа ва сули билан аралаштириб экилган беда уруғи ҳам униб чиқиб, яшил майсалар ер бетини қоплади.

Б. САФАРОВ.

ўтиш асосида эмас, балки уларни давом эттириш, ривожлантириш ва бойитиш натижасида қўлга киритилади. Формани мукаммаллаш, янгилаб бориш ўрнига сунъий йўл, зўрма зўракилик билан тўқиб — чатиш, ортиқча мураккаблик ва жим-жимадорликка берилиш сўзсиз формализмга олиб келади. Ҳар қандай янги форма, усул, прийём асар ғоясини тўла ифодалай, ижодкор ниятини тўла амалга ошира олсагина яшашга ҳуқуқлидир.

Муҳаббат темасида ёзилган баъзи шеърлар ўлдим-куйдимдан нарёққа ўтмайди, инсонийлик ҳақидаги асарларда эса қуруқ дидактика, насиҳатгўйликка зеб берилади. Айниқса булар рубоий этикетида берилаётган гўртликларда ва қўшиқларда яққол кўринади. Умар Ҳайём ёки Маҳтумқули айтган фикр-хулосалар ва образларни яна такроплашнинг нима ҳожати борі Ҳаётнинг янги хулосаларини бера олмаган ҳозирги тарих оқимининг моҳиятини фалсафий ифодалаб бера олмаган, конкретлик ва янги образлар асосига қурилмаган, бир мисраси боғдан иккинчиси тоғдан келувчи тумтарак ва ҳаммага маълум ҳақиқатни кофияга солиб берувчи рубоийлар ҳам тўқилмоқда. Қўшик жанрида эса замондошларимизнинг катта калби ва мақсади билан боғланмаган майда, ўткинчи ҳис-туйғуларга, чайналган кофия ва радифларга иштиёқмандлик кўриниб туради. Ўтмиш традициясига кўр-кўрона ёндашишга традицион образлардан фойдаланишда ҳам доч келамиз. Янги материал, янги мазмун, ғоя ва мотивлар янги образларни тақозо қилади ва келтириб чиқаради. Кескин ижтимоий сиёсий ўзгаришлар даври бўлган XX аср ҳақида, космос, атом, кибернетика, химия асрида қанотли от, учар гилам, ойнаи жаҳон ҳаёл қилинган даврларда яратилган образларнинг ўзи билангина чегараланиш сира ҳам етарли эмас.

Жанрларнинг бир-бирига таъсири, бир-бирига ўтиши ҳозир табиий ва ижобий ҳодиса. Лекин бир жанрда топилган кашфиётни ва берилган ғояни иккинчи жанрда такрорлаш ҳодисаси ҳам тўғилиб қолмоқдаки, буни ижобий деб бўлмайди. Бу билан биз бир темала яна янги, оригинал асар ёзиш мумкин эмас демоқчи эмасмиз. Адабиёт тарихида ҳатто бир хил кўчма сюжет асосида яратилган «Ҳамса», «Фауст» каби оламга машҳур асарлар кўп, аммо буларнинг ҳар бири аввалгисидан янги мазмун, янги ғоя, янги ситуациялар, янгича талқин, янги ғоявий йўналиши билан фарқ қилади.

Кекса шоирларимизнинг баъзи шеърларида эса ўз-ўзларини такрорлашга йўл қўйиш хавфи сезилмоқда. Уларнинг янги шеърларидаги баъзи фикр, образ ва прийёмлар аввалги асарларининг қайтаригига ўхшайди. Бу — ҳаётга ёндошиш, воқеликни идроклаш ва ёритишда аввалги дид ва ўлчов билан иш тутилиши ёки талабчанликнинг етишмаслиги туфайли юз бераётганга ўхшайди.

Шуни айтиш керакки, поэтик дафтаримизга янги саҳифа бўлиб кирувчи ажойиб туркум шеърлар ҳам, қисқа умрли туркум шеърлар ҳам пайдо бўлди. Туркум шеър ёзиш ҳозир бизда жуда урф бўлди. Туркум — бирор муҳим ҳаётий масала ёки бирор халқнинг тақдири ҳақидаги бутун мазмуни, фикри, жисми билан бир катта ғояни ифодалашга, бир мақсадни беришга йўналтирилган шеърлар мажмуасидир. Туркумга кирувчи ҳар бир шеър ўз таъми, ўз куч-қувватига эга бир ирмоқдир. Лекин ҳақиқий туркум шеърларнинг дарёдан фарқи шуки, у ўзининг охирги нуқтасига етгунча янги ирмоқлар эвазига бетўхтов кўпайиб, тўлиб кучайиб боради, афсуски, поэзиямизда пассив кузатишлар, майда-чуйда таассуротлар ва тумтарақ гаплардан иборат шеърлар ҳам тўғилиб қолмоқда.

Охирги гап, одатда биз поэзиямизнинг юксак гражданлик бурчи тўғрисида кўп гапирамиз-у, аммо унинг асосининг асоси бўлган ижодкорнинг шахси, ундаги гражданлик туйғусининг даражаси масаласига диққат қилмаймиз. Ваҳолонки, ўз халқининг, ўз Ватанининг энг садоқатли, энг жонкуяр ва энг илғор, ҳақиқий граждани, ўз даврининг ақли, қалби ва юраги бўлмаган шоирнинг поэзиясида юксак гражданлик туйғусининг бўлиши мумкин эмас. У, Ғафур Ғулом айтганидек, ўз замонасининг 2-3 томлик илм қомуси бўлиши лозим. Энг аввало шоир шахсан етук, етилган, онг-маданиятда, юриш-туриш ва ахлоқда — ҳар томонлама намуна олса арзийдиган киши бўлиши керак. Бусиз у халқни ўз сўзларига ишонтира ва орқасидан эргаштира олмайди. Маънавий дунёси тор, билим ва ахлоқи заиф одамнинг асари ҳам бўш, бетаъсир бўлади. Мақтанчоқлик, кеккайиш ва бошқа ҳар хил қолоқликлар шоир учун мутлақо ёт нарсадир. Ижодкор энг аввало инсонийликни ўзида мужассамлаштирган одам, ҳақиқий граждан бўлмоғи лозим. Некрасов, шоир бўлмаслигинг мумкину, аммо граждан бўлишинг шарт, деганда худди шуни назарда тутган эди.

С. МАМАЖОНОВ,
филология фанлари кандидати.

3* СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
12 МАЙ, 1965 ЙИЛ
№ 109 (13.065).

Суратда: Тамара Соснова (СССР терма командаси), у эркин стилда 100 метрга сузиб Совет Иттифоқи рекордини қўйди. Мусобақада биринчи ўринни эгаллаган, Европа рекордсмени Анн-Хрестине Хакберг (Швеция) ва жаҳон рекордини қўйган Светлана Бабанина (Ўзбекистон).

Б. Мазур фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

КЎРКАМ ҚИШЛОҚ

Баҳор оқшомларидан бирида «Ленинград» колхозининг раиси Қ. Синдоров бинокор-уста Шамсиев билан узоқ суҳбатлашди.

— Қишиларимизни кўряпсизми, уста, — деди у, — қурилишларни авж олдириб, гулдек қишлоқ барпо қилишяпти.

— Ҳа, уларга ҳавас қилсанг, арзийди.

— Ҳаваснинг ўзи камлик қилади, ўрнак олиш керак.

Уша кундан бошлаб К. Шамсиев бошлиқ колхоз қурувчилар бригадаси тузилди. Улар шини колхозчиларга уйжой қуришдан бошлашди.

Қурилиш бригадаси кун сайин тез суръат билан ишлади. Бир неча ой ичида колхозчилар учун тўрт хонали 50 та уй қурилди.

Боғор қишлоғи марказида эса 95 ўринли касалхона бинаси қад кўтарди. 2 қаватли ҳаммом, катта тегирмон қурилиб ишга туширилди.

Булардан ташқари трактор парки, 8 йиллик иккита мактаб бинолари қуриб фойдаланишга топширилди.

Колхоз правлениеси КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини хирсандчилик билан қутиб олиб, ободончилик ва қурилиш ишларини янада жонлантириб юборди. Бу йил колхоз оладиган қўшимча даромад ҳисоблаб чиқилди. Шунинг эвазига колхозчиларга 80 та уй қуриб беришни планлаштирган. Шунингдек, 22 та дала шийпони, 826 ўринли маданият саройи қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Абдулла РАҲИМОВ.
Сирдарё район, «Ленинград» колхози.

«БАҲОР» ГАСТРОЛДАН ҚАЙТДИ

СССР халқ артисткаси, Давлат мукофотининг лауреати Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги ўзбек давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли Африка мамлакатлари бўйлаб қилган биринчи гастроль сафаридан қайтиб келди.

Ажойиб санъаткорларга, раққосаларга эга бўлган «Баҳор» ансамбли Марокаш, Жазоир, Судан, Қоҳира, Касабланка каби қатор шаҳар ва мамлакатлар бўйлаб етмиш кун давомида олтмишга яқин концерт берди.

«Баҳор» ансамблининг бу гастролига Ўзбекистон Маданият министрлиги санъат ишлари бош бошқармасининг бошлиғи И. Мусабеков раҳбарлик қилди. Таниқли кинохужжатчи, режиссёр М. Қаюмов делегацияга ҳамроҳ бўлиб, ҳужжатли кино учун кадрлар суратга олди.

Гастроль сафарига бориб келган ўзбек санъаткорлари орасида Ўзбекистон халқ артисткаси Г. Маваева, республикада хизмат кўрсатган артистлар С. Тўхтасинов, Ф. Харратов, Қ. Дадаев, Т. Юнусова, В. Романова, Р. Низомова, Р. Шарипова, солист ва раққосалардан Р. Ҳамдамов, О. Матёқубов, О. Ризаев, Э. Каримов, Д. Керимова, С. Нуриддинова, Д. Абдуллаева ва бошқалар бор.

«Баҳор» ансамбли бир неча кундан кейин пойтахт жамоатчилигига ўзининг ҳисобот концертини кўрсатади.

Н. ИНОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

РЕКОРДЛАР ТОШКЕНТДА ТУҒИЛДИ

... Соат 6. Ҳашаматли Сув спорти саройида фанфарларнинг овози жаранглаб эшитилади. Бу овозлар Тошкентда биринчи марта сузиш бўйича халқаро мусобақалар очилганлигидан дарак беради. Чет эл, Совет Иттифоқи, шунингдек Ўзбекистон спортчиларини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов қизғин табриклайди. Совет Иттифоқи гимни садолари янграйди.

Мусобақалар бошланади. Бу мусобақалар Тошкент сувида яғи юксак натижалар ва рекордлар билан нишонланармикин? Бу саволга жавоб кутиш узоққа бормади. Хотин-қизлар ўртасида эркин усулда юз метрга сузишда ажойиб натижалар кўрсатилди. Айниқса, Европанинг рекордсмени А. Хакберг (Швеция), Совет Иттифоқи терма командасининг аъзолари Т. Соснова ва Н. Сипченко ҳамда ажойиб ўзбек спортчилари Светлана Бабанина ва Наталья Устинова қатнашган мусобақалар ниҳоятда қизиқарли ва жонли ўтди. Токиода бўлиб ўтган XVIII олимпия ўйинларида бронза медалини олишга сазовор бўлган Бабанинанинг эркин усул бўйича сузиш мусобақасида қатнашишини ҳамма қизиқиш билан кутди.

Ёш москвалик спортчи Т. Соснова Светланани 0, 3 секунд орқада қолдириб, СССРнинг янги рекордини қўйди. Светлана эса бир минут 02,9 секунд вақт билан Ўзбекистоннинг янги рекордини қўйди. Н. Устинова финишга тўртинчи бўлиб етиб келди. Бу сузишда ғолибликни бир минут 02,4 секунд вақт билан А. Хакберг эгаллади. Швед спортчиси Тошкентда Москва натижасини анчагина яхшилади.

100 метрга эркин усулда эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақада мамлакатнинг яна янги бир рекорди қўйилди. Виктор Мазанов жуда яхши натижа кўрсатди.

Старт тумбочкаларига 200 метрга брасс усули билан сузишга хотин-қизлар чиқадилар. Спортчилар орасида олимпия чемпиони Галина Прозуменщикова, Европанинг энг кучли сузувчиси Бербель Гриммер (ГДР) ҳамда жуда ёш ва жуда талантли Ева Виттке (ГДР) бор.

Мусобақа бошланиши билан Гриммер олдинда боради. 50, 100 метр ўтганда ҳам ғолибликни қўлдан бермайди. Аммо, Галина секин-аста олдинга ўта бошлайди. Энг сўнгги бурилишда Галина ўз рақибидан олдинга ўтиб, финишга интилади. Гриммер бундай кескин бурилишни кутмаган эди. Шунинг учун ҳам орқада қолишга мажбур бўлади. Галина ажойиб натижани кўрсатади — 2 минут 48,4 секунд. В. Гриммер Москвада кўрсатган натижасини анча яхшилашга эришди. Ева Виттке ҳам Москвада кўрсатган натижасини 1,4 секундга яхшилаб олди. Бу эса 13 яшар спортчини жаҳондаги қатор кучли сузувчилар сафига олиб чиқди. Ўзбекистонлик Т. Сидорова ва Е. Микало тўртинчи ва бешинчи ўринни эгалладилар.

Тошкентлик 15 яшар ўқувчи қиз Н. Дергачева 400 метрли масофага сузишда Ўзбекистоннинг ўсмирлар рекордини қўйди.

Биринчи кунда программанинг бошқа турларида эркаклар ўртасида қуйидагилар ғолиб келдилар: Г. Прокопенко (СССР), С. Белиц-Гейман (СССР), Г. Крейс (СССР), У. Дермастия (Югославия). Хотин-қизлар ўртасида В. Холлетц (ГДР) ва Х. Хустеде (ГФР) ғолиб келдилар.

Кеча кечқурун мусобақалар яна давом эттирилди. Мусобақага йиғилган томошабинлар спортчилар томонидан қўйилаётган рекордлардан ниҳоятда мамнун бўлдилар. Ўзбекистонлик спортчи Светлана Бабанинанинг кўрсатган юксак маҳорати барчани қойил қолдирди. Бу талантли спортчи қиз юз метр масофага сузишда жаҳон рекордини қўйиб, барчанинг таҳсинига сазовор бўлди.

СССР терма командасининг аъзоси В. Мазановни ҳам томошабинлар самимий олқишлашди. У 200 метр масофага чалқанчасига сузишда ғолиб келди ҳамда «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси таъсис этган мукофотни олиш шарафига муяссар бўлди.

С. АБДУЛЛАЕВ,
спортчи.

САККИЗ МАМЛАКАТ СУЗУВЧИЛАРИНИНГ ҲАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРИ

<> <>

Футбол

МИНСКДА МАҒЛУБИЯТ

«Пахтакор» билан Минскнинг «Динамо» командалари (тошкентлик ишқибозлар бу командининг аввалги номи «Беларусь» эканлигини яхши биладилар) олти марта учрашган. Беш учрашувда тошкентликлар ғолиб келишган, фақат 1963 йилда Минск футболчилари бир марта 6:1 ҳисобида ғолиб чиқиб, мағлубият ҳиссасини чиқарган эдилар. Ўша йили Тошкентдаги учрашувда эса «Пахтакор» 2:0 ҳисобида устун келган эди.

Рақибларнинг еттинчи учрашуви Минск футболчилари фойдасига тугади. «Пахтакор» ҳужумчилари ҳам, ҳимоячилари ҳам, қола берса дарвозабон А. Кисляк ҳам бу матчни жуда ёмон ўтказди. Ҳужумчи Б. Абдураимов ўрнини С. Стадник эгаллади. Аввалги матчдагидек ҳимоячиларимиз ҳамжиҳатлик билан, уюшган ҳолда ўйнай олмадилар. «Пахтакор» яна мағлубият (0:3) га учраб, ишқибозларни ранжитди.

Мавсум энди бошланяпти. Тажрибали тренер М. Якушин ва футболчиларимиз дарҳол бу сабоқлардан тегишли хулоса чиқариб оладилар ва кейинги мағлубларни кўнгилдагидек ўтказадилар деган умиддамиз.

Бешинчи турдаги бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: «Локомотив» (Москва) — «Динамо» (Тбилиси) — 0:1, «Торпедо» (Москва) — «Торпедо» (Кутаиси) — 5:0, «Шахтёр» — «Динамо» (Киев) — 3:2, «Динамо» (Москва) — «Нефтяник» — 0:0, «Зенит» — ЦСКА — 1:1, СКА (Ростов-Дон) — «Черноморец» — 1:1, «Спартак» — «Динамо» (Тбилиси) — 1:1.

Беш турдан кейин команда.ларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	У	Т	О
«Динамо» Тб.	5	8—4	8
«Динамо» Мн.	5	7—2	7
«ЦСКА»	5	6—2	7
«Шахтёр»	5	8—5	7
«Торпедо» М.	5	7—3	6
«Динамо» К.	5	7—4	6
СКА (Р)	5	5—4	6
«Зенит»	5	5—3	5
«Спартак»	5	5—3	5
«Черноморец»	5	7—6	5
«Крылья Советов»	3	4—4	4
«Пахтакор»	4	3—6	3
«Нефтяник»	5	3—6	3
«Динамо» М.	5	1—5	2
«Торпедо» К.	4	1—9	2
«Локомотив»	3	1—4	1
СКА О.	4	1—9	1

ҲОДИСА

БЎРИ ЕР ТИШЛАДИ

Тун. Самонинг у ер бу ерида юлдузлар милт-милт этиб қўяди. Соат ака қўйларни кўтонга қамаб, бир оз дам олиш учун майсалар устига ёнбошлади. Шу пайт қўйларнинг нотинч бўлиб, типирчилаётганини сезиб қолди.

«Кўтонга бўри кириб қолдимикан!» Чўпон чўқмор таёғини маҳкам ушлаганича, секин-аста подага яқинлашди. Дарвоқи, унинг гумони тўғри чиқди. Хўтиндан неладиган бўри қўйлардан бирини еётган эди. Соат ака ўзини ичкарига олди ва шиддат билан йиртқичнинг бошига таёғи билан туширди. Бўри бир-икки типирчилаб, жон берди.

Қашқадарё область, Ғузор районидаги «Ленинизм» колхозининг довюрак чўпони Соат ака Ғуччиевни Деҳқонобод район тайёрлов конторасн пул билан мукофотлади.

Н. ПУЛАТОВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

САҲРОДАГИ АЛАНГА

Арабларнинг «фақат тош суратгина абадий жиллм азоб тортиши мумкин» деган мақоли бор. Британия мустамлакачиларининг Арабистоннинг жанубида бир асрдан эзиб-роқ ҳукмронлик қилиб келиши халқнинг сабр косасини тўлдириб юборди. Ватанпарварлар нефть монополияларининг ваҳшийларча қароқчилиги ҳамда Англия маъмуриятининг ҳарбий истибдодига қарши курашга отландилар.

Қулдорларнинг қонли қамчиси бутун бир мамлакатлар ва қитъалар устида визиллаган даврлар ўтиб кетди. Инглиз мустамлакачилари Осиё ва Африкадаги кўпчилик мамлакатларда миллий озодлик ҳаракатидан зарба еб, эндиликда араб ерининг ҳар бир қаричига тиш-тирноғи билан ёпишиб олмоқдалар. Жуда кўп нефть бойликлари худди шу ерда мужассамлашгандир. Марказий ва Шарқий Африка, Яқин ва Урта Шарқдаги бир қатор мамлакатларга қарши қаратилган йирик ҳарбий денгиз ва ҳаво-ракета базалари худди шу ерда қурилган. Фақат Аденгари базадагина сахро шароитида жанг қилишга махсус ўқитилган 50 минг сара «томми» доимий равишда турибди.

Адендаги инглиз Урта Шарқ қўмондонлиги авиация, артиллерия ва напалм ёрдамида тоғликларнинг исёнкор отрядлари («қизил қашқирлар») ҳамда итоатсиз бедуин қабилаларини тез вақт ичида қириб ташлашни кўзда тутган эди. Бироқ, мустамлакачилар партизанлар ҳаракатининг марказ Радфандаги қишлоқларнинг бешдан тўрт қисмини йўқ қилиб ташлаган бўлса ҳам, экинларни пайҳон қилиб, чорва молларни қириб ташлаган бўлса ҳам, ғалабага эриша олмадилар. Улар узоқ ва қонли уруш олиб бормоқдалар ва кўплаб солдатлардан ва техникадан ажралмоқдалар.

Кўп марта муваффақиятсизликка учраган мустамлакачилар эндилиқда «нуйдирилган ер тактикаси»ни қўлламоқдалар. Уларнинг ваҳшийларча ҳаракати оқибатида 55 минг аёл, болалар ва қариялар бошпанасиз, озиқ-овқатсиз қолди. Партизанларнинг қариндош-уруғлари бўлган бу кишилар ғорларда яшамоқдалар. Лекин бу ерларда ҳам бечораларни тинч қўйишмаяпти, самолётлар ва вертолётлардан ўқ узмоқдалар, бомбардимон қилмоқдалар. Кишилар очлик ва касалликдан ўлиб кетяпти. Мустамлакачилар халқаро ҳуқуқ нормаларини бузмоқдалар: улар бошига жафо тушган аҳоли учун озиқ-овқат ва дори-дармон ортилган араваларни ўтказмаётирлар.

Британия маъмурлари протекторатни бошқаришни осонлаштириш ҳамда миллий озодлик ҳаракатини бостиришга қаратилган урушни «марказлаштириш» мақсадида сунъий равишда Жанубий Арабистон «Федерацияси»ни туздилар. Бу «федерация»га 16 султонлик, амирлик, шайхлик ва Аден мустамлакаси киради. Булардан энг йириклари — Бейхан, Дали, Лахеж ва Қуйи Яффидир. Ал-Иттиҳод шаҳридаги «федерация» ҳукумати Британия олий комиссари сер Ричард Тэрнбуллга бўйсунади. Қўшинлар, жандармерия, махфий полиция, шунингдек ёлланма отрядлар унинг ихтиёридадир.

Амирликларнинг аҳолиси, шунингдек аристократиянинг ватанпарварлар ҳаракатига қўшилган баъзи вакиллари ўтган йил октябрь ойида Лондонда кабинет ўзгаргандан сўнг Британия ҳукуматининг Арабистоннинг жанубидаги снёсати ҳам ўзгаради, деб умид қилган эдилар. Бироқ ҳаёт шуни кўрсатдики, ўнг лейборист лидерлар ҳам бомба ва напалмларни ишлатишда консерваторлардан ёки «иттифоқчилари» — Америка империалистларидан қолишмас эканлар.

Аден ва протекторатларнинг турма ва концлагерлари аввалгидек сиёсий махбуслар билан тўлиб ётибди. Уларни ваҳшийларча қийнамоқдалар. Озодлик тўғрисида, миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида гапиришга ботинган кишиларнинг бошига қулфат солинмоқда. Намойишда қатнашганлар етти йил қамоқ жазосига ва нинг юз фунт штраф тўлашга ҳукм қилинади.

Арабистоннинг жанубидаги нефть ва бошқа қазилма бойликларни Англия, Америка ва қисман Франция компаниялари эгаллаб олган. Буюк Британия «федерация»га қабул қилдирган шартномага кўра, хоҳлаган вақтида хоҳлаган районини оккупация қилиш ва у ердан бошқа бир мамлакатга қарши ҳаракат қилиш ҳуқуқига эгадир. Англия ва унинг иттифоқчилари «федерация»нинг ҳарбий-ҳаво, ҳарбий-денгиз ва қуруқликдаги базаларидан, барча портлар ва аэродромларидан фойдалана оладилар.

Британия ҳукмдорлигига ва инглиз-америка нефть монополияларининг зулмига қарши кураш бир кун ҳам тинмаётир. Миллий озодлик фронтининг ахборотларида, шунингдек, инглиз цензурасидан ўтадиган телеграммаларда портлатилган инглиз танклари ва броневиклари ҳақида, ўлдирилган юзлаб жазоловчилар тўғрисидаги хабарлар тўлиб-тошиб ётибди.

— Қуёш нур сочиб турар экан, бу территория ҳеч қачон қайтариб берилмайди,— деди Аден генерал губернаторларидан бири.

— Бу ерда фақат битта «томми» қолса ҳам, биз курашни тўхтатмаймиз, — деб жавоб беришмоқда араб ватанпарварлари.

Г. ОСИПОВ.
(АПН).

ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

ВИННЕБА (Гана), 11 май. (ТАСС махсус мухбири). Кеча бу ерда Гана президенти Кваме Нкрума таниталн вазиятда Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги IV конференциясини очди.

Халқаро форум ишида Африка ва Осиё мамлакатларидан 300 дан ортиқ делегат, шунингдек Африка бирлиги ташкилоти, Лотин Америкаси ва Европа мамлакатларидан 30 кузатувчи иштирок этмоқда.

Конференциянинг кун тартибида империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши кураш, бутун дунёда тинчлик учун кураш масалалари бор.

Мажлисда Л. И. Брежневнинг конференция раисига юборган мактуби ўқиб эшитирилди.

И. В. БЛАГОВ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети саноат группасининг старший референти Игорь Васильевич Благов огир касалликдан сўнг 10 майда бевақт вафот этди.

Игорь Васильевич Благов 1924 йилда Фрунзе шаҳрида туғилди. Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидаёқ у немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда қатнашди. 1946 йилда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига кирди.

Игорь Васильевич 1950 йилда Тошкент политехника институтини битиргач, Коммунистик партия даъватига мувофиқ Краснодар ўлкасидаги Михайлов МТСига ишга борди.

1957 йилда Тошкентга қайтиб келди ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида, сўнгра эса Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашида ишлай бошлади.

1961 йилда Игорь Васильевич Благов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аппаратига масъул ишга ўтади.

Игорь Васильевич ғайратли киши, зўр ташкилотчи эди. Партия уни қаерга ишга юбормасин, ҳамма жойда ўз ишини яхши билишини, ишчанлигини кўрсатар эди. У принципал коммунист ва сезгир ўртоқ эди. Игорь Васильевич Благовнинг хотираси қалбимизда доимо сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

«СССР — ТИНЧЛИК ПОСБОНИ»

«Унита» газетаси фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалаба кунининг йиғирма йиллиги муносабати билан Қизил майдонда ўтказилган ҳарбий парад ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг ҳамма мамлакатларнинг ҳукуматларига, парламентларига ва халқларига қарата чиқарган Мурожаати бутун Японияга тарқалди.

Япония радиоэшиттириш корпорацияси 10 май эрталабдан бошлаб Мурожаатнинг муфассал баёнини бир неча марта эшиттирди. Мурожаатнинг Социалистик мамлакатлар, барча тинчликсевар халқлар Американинг Вьетнамдаги агрессиясини дарҳол тўхтатиши, Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиши, бутун Вьетнам халқининг эркинлигини ва мустақиллигини таъминлаб бериши лозим бўлган Женева битимларига оғишмай амал қилиши қатъий талаб этмоқдалар, деган жойини таъкидлаб кўрсатди.

Япония пойтахтида чиқаётган оқшомги газеталар Мурожаатнинг батафсил баёнини биринчи саҳифаларида босиб чиқарди. (ТАСС).

БУТУН ЯПОНИЯ БЎЙЛАБ

Тинчлик учун, янги урушнинг олдини олиш учун курашда куч-ғайратларимизни оширайлик, деб КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг ҳамма мамлакатларнинг ҳукуматларига, парламентларига ва халқларига қарата чиқарган Мурожаати бутун Японияга тарқалди.

Япония радиоэшиттириш корпорацияси 10 май эрталабдан бошлаб Мурожаатнинг муфассал баёнини бир неча марта эшиттирди. Мурожаатнинг: Социалистик мамлакатлар, барча тинчликсевар халқлар Американинг Вьетнамдаги агрессиясини дарҳол тўхтатиши, Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиши, бутун Вьетнам халқининг эркинлигини ва мустақиллигини таъминлаб бериши лозим бўлган Женева битимларига оғишмай амал қилиши қатъий талаб этмоқдалар, деган жойини таъкидлаб кўрсатди.

Япония пойтахтида чиқаётган оқшомги газеталар Мурожаатнинг батафсил баёнини биринчи саҳифаларида босиб чиқарди. (ТАСС).

ТУРЛИ мамлакатлардан ХАБАРЛАР

ЖАНУБИЙ АРАБИСТОН

Жанубий Арабистон федерациясининг қонун чиқарувчи кенгашига мустамлака Аденданги сайланган 21 депутат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ҳаққ ҳусусидаги резолюциялари амалга оширилишини талаб қиламиз, деди. Бу резолюциялар Аденни ҳам ўз ичига олган Жанубий Арабистонга чинакам мустақиллик беришни Англиядан талаб қилади.

Адан ҳукуматининг бош министри Маковийнинг Рейтер агентлиги мухбирига айтишича, Жанубий Арабистон федерациясига кирган бошқа бир қанча амирликлардан сайланган депутатлар ҳам Адан ҳукуматининг бошлиғини Жанубий Арабистонга мустақиллик бериш ҳақидаги сизнинг адолатли талабларингизни қўллаб-қувватлаймиз, деб ишонтирганлар.

АҚШ

9 майда куклуксканчиларнинг Аннистон шаҳрида (Алабама) очилган умумамерика слётига 500 дан кўпроқ ашаддий ирқчи тўпланди.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарида айтилишича, негр аҳолисининг граждан ҳуқуқлари учун олиб борилаётган курашининг актив қатнашчиси, беш боланинг онаси Виола Луизо хонимни шу йил март ойида ўлдирган ўч каллакесар слётда қўлма-қўл бўлган. Қотиллардан биронтаси ҳам ҳанузгача қилмишига яраша жазоланганн йўқ.

Ўз одатига кўра, капюшонли оқ узун чакмон кийган куклуксканчилар муниципалитет залида овози бўғилиб қолгунча дод-фарёд кўтаргач, дағдаға билан одим ташлаб шаҳар кўчаларидан ўтган. Буни кўриб аҳоли юрагини қовучлаб турган бўлса, полиция парво ҳам қилмаган.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

Сеулдаги ҳукумат маъмурлари Жанубий Вьетнамга яна 300 га яқин солдат юбормоқчи бўлиб турганини эълон қилди. Ҳозирги вақтда Жанубий Вьетнам партизанларига қарши ўтказилаётган жазо операцияларида Жанубий Корея ҳарбий хизматчиларидан 2 минг киши қатнашмоқда. (ТАСС).

Реклама ва эълонлар

Радио

12 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Пахтакорлар ҳақидаги қўшиқлар, 9.30 — Чолғу куйлари, 10.10 — Скрипка учун концерт, 10.30 — Концерт, 11.10 — Медицина темасида, 11.25 — Концерт, 13.40 — Енгил куйлар (рус.), 16.15 — Чолғу куйлари, 17.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.00 — «Алангали йиллар қиссаси», 18.30 — Қўшиқ ва рақслар, 19.20 — Қозоқ куйлари, 20.00 — Пахта учун кураш (рус.), 20.10 — Нота магазинида (рус.), 20.45 — Қишлоқ хўжалигига — янги машиналар, 22.00 — «Синфдан ташқари тарбиявий ишлар» (сиртқи студентлар учун), 22.15 — Рақс куйлари, 22.40 — Поэзия кечаси, 23.20 — Концерт.

Телевидение

12 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.25 — **Юлдузча** тележурнали, 19.00 — **Замонавийлик— совет адабиётининг қалби,** 19.25 — КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга оширамиз. **Суғориладиган ерлар — бизнинг бойлигимиз,** 19.40 — **Поэзия ва музика.** 20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар,** 20.55 — **Марксизм-ленинизм жаҳон коммунистларининг буюк интернационал таълимоти** (суҳбат), 21.15 — **Ғўзаллик-ҳаётга** (Ўзбекистон рассомлари съездига), 21.35 — **Реклама ва эълонлар,** 21.40— **Душман ўтини ўзимизга қаратамиз** номли телевизион бадиий фильмнинг 2-серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Третьяков галереяси бўйлаб** (мактаб ўқувчилари учун), 18.35 — **Тошкент янгиликлари,** 18.45 — **Биласизми?** (музикали эшиттириш), 19.20 — **Оғриқни енгувчилар** (телефильм).

Ўзбек тилида: 19.40 — **Тошкент янгиликлари,** 19.50 — **Алангали қирқ йил** (Ўзбекистон комсомолининг 40 йиллиги олдидан).

Рус тилида: 20.15 — **Сўнмас аланга** номли бадиий фильмнинг 2-серияси.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Оққуш нўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — (ёзги бино)—12/V да **Қонли сароб,** 13/V да **Биринчи муҳаббат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Нодира,** 13/V да **Нурхон.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Лимонадли Жо — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «МОСКВА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», «ЧАНКА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (эрталаб соат 9-20 минут, 11, кундуз 1, 3, 5 ва кеч 7 да).

Юрагингдан сўра — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Шайтонча — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 6-45 минуттача), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 9 ярим ва 10-45 минутда), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз 1, 3 ва кеч 7 да), «ЮЛДУЗ» (кундуз 5, кеч 7 ва 9 да).

Суратдаги одам — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Тикланган музика — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 10 яримда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлигининг

ТОШКЕНТ МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ ТЕХНИКУМИ

1965/66 ўқув йили учун **СИРТҚИ БЎЛИМГА**

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумнинг кутубхона ва клуб бўлимларида: кутубхона ходимлари, муздрама, хор, музика ҳаваскор коллективлари учун раҳбарлар тайёрлайдиган группалар (музика группасида: рубоб, чанг, дутор, най, тамбур, гижжак, доира, фортепьяно ихтисослари) бор.

Ўқиш муддати: тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун — 4-5 йил, ўрта маълумотлилар учун — 2 йил ва 3 йилу 6 ой.

Техникумга кирувчи ўрта маълумотлилар: СССР тарихидан (оғзаки), Ўзбек адабиётидан (ёзма), ихтисос бўйича (музика асбобларидан бири, ашула, ўйин ва бадиий ўқишдан), тўлиқсиз ўрта маълумотлилар: она тилидан (диктант), она тили ва адабиётидан (оғзаки), математикадан (қутубхона ходимлари учун), ихтисос бўйича (музика асбобларидан бири, ашула, ўйин ва бадиий ўқишдан) имтиҳон топширадилар.

Аризада қайси группага кириши кўрсатилади ва қуйидаги ҳужжатларни қўшиб, қабул комиссиясига берилади ёки почта орқали (заказной хатда) юборилади: маълумот ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестатнинг асл нусхаси, бош кийимсиз тушган 3х4 сантиметр катталигида 3 та фотокарточка, таржимаи ҳол, соғлиги ҳақида справка, иш жойидан справка ва характеристика.

Кириш имтиҳонлари 15 июлдан бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси, 10-уй, қабул комиссияси (1, 2, 4, 7-троллейбуснинг «Эскижўва» ёки «Калинин майдони» остановкаси).

Тошкент область ижроия комитетининг

КУЧИРИБ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИШЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЛИМИ

қуйидаги жойларда ишлаш учун:

бульдозерчилар, скреперчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, бўёқчилар, суворчилар, бетончилар, арматурачилар ва ёрдамчи ишчилар

қабул қилади

Ўзбекистон ССРнинг: 11-қурилиш трестида, Термиз шаҳридаги «Сурхансовхозводстрой» трестида, Қорақалпоғистон АССРнинг шолиқор совхозларида ва бошқа қурилиш ташкилотларида.

Қозоғистон ССРнинг: Жезқазғон шаҳридаги «Казмедьстрой» қурилиш трестида, Актюбинск шаҳридаги «Западказэлеватормельстрой» трестида, «Карагандашахтострой» комбинатида, Экибастуз шаҳридаги «Ир, тишугольстрой»да.

Узоқ Шарқнинг: «Сахалинрибпром» Магадан балиқчилик комбинатида, Қуйи Амур балиқчилик трестида (мавсумли ишга эркак ва аёл ишчилар).

Тошкент шаҳрида — Привокзальная кўчаси, 13-уйга ва Ҳамза кўчаси, 10-уйга келиб учрашилсин.

Янгийўл, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида — шаҳар ижрокомлари ҳузуридаги ишчи қабул қилиш вакилларига мурожаат қилинсин.

Марғилон шаҳридаги

ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1965/66 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртида қуйидаги мутахассислар тайёрланади:

болалар боғчалари учун тарбиячилар — дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқиш муддати — 3 йил;

бошлангич синф ўқитувчилари — дарслар ўзбек тилида олиб борилади. Ўқиш муддати — 4 йил.

Тўлиқсиз ўрта маълумотли ва 8, 9-синфни тамомлаган хотин-қизлар қабул қилинади.

Аризалар 1 июндан 31 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади: ўзбек группалари учун — ўзбек тилидан (диктант), ўзбек тили ва адабиётидан (оғзаки), математикадан (оғзаки), рус группалари учун—рус тилидан (диктант), рус тили ва адабиётидан (оғзаки), математикадан (оғзаки).

Қабул қилинганлар ётоқ, бепул овқат ва стипендия билан умумий тартибда таъминланади.

Адрес: Марғилон шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 205-уй.

3-қурилиш трестининг

3-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

ғишт терувчилар, арматурачилар, дурадгорлар, бетончилар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Тошкент шаҳар, Братск кўчаси, 49-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги, партия бюроси ва маҳаллий комитети Ишлар мудирлигининг старший референти

Игорь Васильевич БЛАГОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитетининг Тошкентдаги 1-босмахонаси коллективи кенса матбаачи, шахсий пенсионер

Муҳаррам УБАЙДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редакторг ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27273. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши —33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451 Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64543 № В 109. Р. 08580.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**